


ЯНВАРЬ 1 1988



ЁШ КУЧ



Ўзбекистон ССР ФА иссиқлик физикаси бўлимининг ёш олимлари  
Маъруф Қосимов ва Саидислом Қурбонов изланишда.

А. КУДРЯШОВ фотоси



# Ёш куч

## Молодая смена

Ижтимоий-сиёсий, адабий бадиий  
безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ  
КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 1 (19) ЯНВАРЬ. 1988.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти.

**Бош редактор**  
Худойберди ТУХТАБОЕВ

**Редколлегия:**  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Евгений БЕРЕЗИКОВ  
Владимир ВОЛОТКО  
(бош редактор ўринбосари)  
Евгений ГРЕВЦОВ  
Хуршид ДУСТМУХАМЕДОВ  
Эркин МАЛИКОВ  
(масъул секретарь)  
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ  
Латиф МАҲМУДОВ  
Мирвосил ОДИЛОВ  
Ҳакимжон ПИРМУХАМЕДОВ  
Йўлдошали ТОЖИБОЕВ  
Александр ФРОЛОВ  
Озод ШАРАФИДДИНОВ

**Рассом Маҳкам АБДУЛЛАЕВ**  
**Техредактор: Ғайбулла БАРИМОВ**

«Ёш куч («Молодая смена») — ежесемесный общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке  
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП.  
«Правда» газетаси кўчаси, 60.

**Телефонлар:**  
78-94-63, 78-75-94, 78-94-73,  
78-48-85, 78-85-64, 78-57-84.

Редакция ҳажми 4 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч» — «Молодая смена»  
1 январь, 1988

© «Ёш гвардия» нашриёти.

Босмаҳонага туширилди 13.11.87 й. Босишга рухсат этилди 19.12.87 й. Офсет усулида чоп этилди. Р-11971. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub> Қоғоз ҳажми — 4 лист. Шартли босма листи 5,6. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 195392. Буюртма № 2164. Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.



Олис йўлга отланган ўртоқ! Бир нафас ҳордиқ ол, биродар. Бир нафас...

Кўҳна дунёнинг қадим йўлларида йўлдош эканмиз, суҳбат қурайлик. Не ёқларга йўл тутдинг, хўш? Не орзулар бошлади йўлга? Боқий дунёни комил этмоққа чоғландингми? Инсон толеини қай водийлардан топмоқ истдинг?

Қайдам: инсон ақл-заковатини тонг қолдирувчи кашфиётга қодирдирсан?... Табиат санъаткорлик истеъдодини дариг тутмагандир Сендан?.. халқнинг асл фарзанди, юртнинг метин қалқони бўларсан балки?.. Алҳол, қай касб-кор бошин тутмагин — тоза қалб, тиниқ шуур эгаси бўлишинг саодатдир, дўстим.

Бу йўллар Сеники. Бу йиллар олиб боражак орзу чўққилари Сеники. Лекин...

Бу йўллардан эзгу ниятли, ўқимишли кишилар ўтгани, эндиликда ҳам орзу чўққилари фозил забткорларини кутаётганини ёдда тут. «Олим бўлсанг — олам сеники». «Олимнинг шўри — одамнинг шўри». Бу кўҳна ҳикматлар ҳар бир ёшни илм уммони бағрига, зукко, билимдон бўлмоққа даъват этмоқда.

Энг ҳур маконда, энг озод замонда яшаб туриб ўқиш, билишга интилишимиз имконимиз даражасидан бирмунча пастлиги, ўзлигимизни танимай қўйганимиз аён бўлди. Энг ҳушёр тузумда яшаб туриб, турмуш мураккабликларини етарли уқмаганимиз, лоқайдлигимиз ошкор бўлиб қолди.

Афсус...

Ана шундай пайтда коммунистик партия ва ҳукуватимиз ўқишнинг аҳамиятини яна бир қарра улуғлади. Амалда исботлади: «Ёш куч» — «Молодая смена»нинг ташкил топиши «Урган!» «Ўқи!» деган даъватнинг амалий тадбири бўлди.

Катта йўл бошида турган, дўстим!

«Ёш куч» сеники. Мана, журналнинг 19-сони қўлингда. Бор-йўғи ўн тўққизинчи!.. Вамисоли, атакчечак-ла йўлга тушаётган ёш куч. Йил бошида, йўл бошида ўз теварагига юз минглаб йигитқизни тўплай олган «Ёш куч».

Ана, журнални варақляпсан. Уқияпсан. Безакларни синчков нигоҳингдан ўтказяпсан. Ошиқма. Ҳар саҳифада Сенга недир мунтазир. Кўнглинг тубида неки ниятлар куртак отмасин, ниятингга йўлдош ниятларни топсан ундан. Фақат, ёдингда тут — ният ўз амали билан гўзал! Амалиётинг ниятингга эш бўлсагина Катта йўлда толмайсан.

Илмлилар  
Иродалилар  
Паҳлавонлар

асрига олиб боражакдир бу йўл!..

Журнал қўлингда. Хоҳ мақола, хоҳ шеър, хоҳ ҳикоя... ёки мактуб, ёхуд суҳбат... Сенга руҳий озуқа, маънавий қувват бўлсин учун ёзилган улар. Улардан неки қувват топсанг — Сеники. Мақсаднинг олис йўлида йўлдошинг бўлгани маъқул. Зеро, ўқиганинг, уққанинг ҳам Сеники, ҳам дўстингники. Ўзинг баҳра топган маърифатни дўстинг, дугонангга ҳам раво кўрмоғинг даркор. Давр талабига қулоқ сол — у Сени фикрий фаолликка ундамоқда. Ошқора зийракликка чорламоқда. Зеро, журналда неки ўқисанг, туғилган фикр, олган таассуротларинг ўзингда қолиб кетмасин. Хоҳ мақтов, хоҳ мулоҳаза, хоҳ танқид бўлсин, дўстларингга — бизга етиб келмоғи даркор. Чунки, журналнинг нечоғли қизиқарли, фойдали чиқиши журналхонга боғлиқ.

...Олис йўлга отланган ўртоқ! Йил бошида, йўл бошида бир нафас тин ол, қулоқ сол. Кўҳна дунёнинг қадим манзилларида, умримиз йўлининг дебочасида не орзу чўққиларини кўзладик бугун? Кел, суҳбат қурайлик, эзгу йўлда йўлдош бўлайлик!..

### Бу сонда:

«Меҳнат стажимиз — 148 йил!»

Фавқулудда комиссия тарихи саҳифаларидан

Янги рубрика — «100 сатр»

Қодирийнинг йўлмас каломи

Журналхонларнинг ташвишли мактублари

Темур Пўлатовнинг янги асари

Навоий сабоқлари

Кулгихонамиз будир...

# ЭПЛАГАНЛАР ИШЧИ БЎЛАДИ!

«Робинзон Крузо» фильмини кўрганмисиз? Елғиз одам кимсасиз оролда қандай қилиб, ниманинг эвазига яшаб қолди?

Меҳнатнинг эвазига!

Меҳнат — инсон ҳаётининг, умрининг биринчи мўъжизаси! Инсонни инсон сифатида улғулайдиган, унинг гўзаллигига гўзаллик қўшадиган ҳам — меҳнат! Бу — меҳнатнинг абадий мўъжизаларидан!

Меҳнат ҳеч қачон кишининг қадрини ерга урмайди, аксинча бўлиши, яъни одамлар меҳнатни обрўсизлантириши мумкин. Яқин ўн-ўн беш йиллар шундай бўлди: завод ишчисининг, совхоз ишчисининг обрўси омбор мудириникидан, чайқовчиникидан кўра қадрсизланди. Баъзан шундай бўладики, «ишчиман» деб баралла айтишдан кимлардир истиҳола қилади. Назар ака Расулов табиатан ишчи одам. У киши чўрт кесадилар, гапнинг пўсткалласини айтадилар.

— Бизнинг авлодда «ишчиман» дейишдан истиҳола қиладиган одам йўқ, — дейдилар Назар ака. — Отамиз Расул Исамухамедов ўз даврида моҳир бинокор, яъни ишчи бўлганлар. Биз ҳам белимизда, билагимизда қувватимиз бор экан номимизни ҳалол топамиз, бировдан тилимиз қисилмайди...

Завод дастлаб ташкил топган 1955 йили Носир ака Исамухамедов оддий дурадгор сифатида иш бошлаганлар. Уттиз йил бўлди у киши шу ерда меҳнат қиладиганига! Уттиз йил бир жойда ишлаш! Айтишга осон, лекин, ҳозир дурадгорлар бригадасига бошчилик қиладиган Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Носир аканинг лоақал битта улғу хизмати ҳақида бутун бошли китоб ёзса арзийди.

Назар ака шундай эслайдилар:



«Қани, Исмоил, тахтани маҳкамроқ ушла», дейди Иброҳим укасига.

— Пойабзал фабрикасида ишлар эдим. Олтмиш олтинчи йилги зилзиладан сўнг фабрикамизни кўчиришди. Шунда... Носир укам, «Юринг, ака, бизнинг заводга, бирга ишлайлик», деб қолди. Заводга келдим. Уша-ўша, мана, кам бўлганим йўқ. Бу ёқда ўғилларим, укаларим, жиянларимиз ҳам бизга эргашди...

Аксари ёшлар касб танлашга қийналади. Қаерда ишлашни, қайси касб бошини тутишни билмай сарсон бўлиб юради. Худди шундай пайтларда тажрибали кишининг йўл-йўриғи ўша ёшнинг бутун ҳаёт йўлини белгилаб беради.

...Шуҳрат 9-синфни тугатган, ёзги таътил ойлари бекорчиликдан кунни қандай ўтказишни билмай қолди. Бунинг сезган акалари унга, «Бекор юрма, заводга бор, ишчиларга ёрдамнинг тегади» дейишди. Шуҳрат акаларининг заводда ишлашни билардию, лекин қайси заводда, нима ишлаб чиқаришларидан хабарсиз, тасаввур қилолмас эди. Завод дарвозасидан кираётиб девордаги қорамтир ойна остидаги ёзувни ўқиди: «Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги РПО «Узирмаш» Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонт заводи». 5-цеҳ вагон-уйлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган экан. Электр аррада тахта арралаш, темирни пайвандлаш, вагон ясаш ва ҳоказо ишларни у биринчи бўлиб шу ерда кўрди. Муҳими, ишчилар турмуши, меҳнати билан яқиндан танишди. Икки ой — навбатдаги ўқув йили бошлангунга қадар заводга қатнади, ишчилар ҳаётининг ўзига хос қувноқ, жонли лаҳзаларининг гувоҳи бўлди.

Шунинг учун ҳам у келгуси йили мактабни битиргач, нима қилишни ўйлаб, ўтирмади — ҳужжатларини Тошкент Политехника инсти-

тути қурилиш факультетининг кечки бўлимига топширди. Кириш имтихонларидан муваффақиятли ўтдию, ўзи билган-таниган цехда оддий ишчи бўлиб ишлаш бошлади. 1981 йили эса...

Оддий ишчи цехга бошчилик қиладиган даражага етгунча орадан қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтмайди, дейсиз? Одамлар ўзгаради, улғаяди, иш қуроллари такомиллашади, маҳсулдорлик ортади, ҳар бир давр ишчи олдига ҳам ўзининг янгидан-янги талабларини кўндаланг қўяверади. Ана шу ўзгаришлар, янгиланишлар талабига монанд улғайган киши кам бўлмайди. 1981 йили Шуҳрат Исамухамедовнинг цех бошлиғи этиб тайинланиши ушбу оддий, лекин адолатли ҳақиқатга жонли мисол бўлди.

Саксондан ортиқ ишчининг бошини қовуштириш, уларни ҳар кун ишга сафарбар этишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлиши, табиий. Лекин Шуҳратнинг олдида бошқа бир муаммо ҳам кўндаланг эди. Беш ака-ука, яна тўрт нафар ишчи — ўзининг жиянлари...


Ҳа, ўтган йиллар мобайнида укалари Аҳмад билан Шавкат, жиянлари Эркин ва Солиҳ Мирзаевлар, Иброҳим ва Исмоил Расуловлар бирин-бирин заводга келиб ишлаш бошладилар. Аҳмад, Шавкат ва Солиҳ буюқчилик касбини танлашди. Эркин билан Иброҳим, кейинроқ ишга келган Исмоил эса Носир ака бригадасида дурадгорлик қила бошлашди. Уларнинг ҳар бири заводда ишлашга қарор қилишининг ўзи бир тарих эди. Масалан, Эркин ҳарбий хизматни ўтаб қайтган Тошкент Молия техникумида ўқиди. Уқишни тугатиб район ижроия комитети молия бўлимида хизмат қилди. Кейин...



Бу ишчи сулоланинг меҳнат стажы 148 йилдан ошди.



Буюқчи — Солиҳ Мирзаев.



**Ишчилар сулоласининг отахони — Назар Расулов.**

— Яширадиган жойи йўқ, — дейди у ишчиларга хос очиққўнгилик билан. — Техникумда ўқидим, мутахассислигим бўйича тўрт йил ишладим. Маошим юз сўмга етмасди. Бу ёқда икки фарзанд, оила, рўзғор, борди-келди деганларидек... Ҳеч кимга дардимни очмай ўзимча ўйлаб юрган кунларим эди. Ишдан қайтишда баъзан акаларимни ва бошқа ишчиларни уйма-уй тарқатадиган завод автобусига чиқиб қолардим. Шунда ишчиларнинг ҳушқак-

чақлигини, уларнинг кўринишидаги қувноқлик, хотиржамликни пайқардим... ниҳоят, кўнглимдагини айтдим. Қарабсизки, оддий ишчи бўлиб турибман. Мана ҳозир учинчи разрядли бўёқчиман, беш фарзандим бор, заводдан уй беришди, нолийдиган жойим йўқ...

Шундай қилиб, Шухрат ўзи дуч келиши эҳтимоли бўлган энг нозик муаммоларни кўп ўйлади: «Хўш, бу ёғи оға-иничилик бўладими ёхуд цех бошлиғи сифатида ўрни келса, аччиққурум гаплар айтишга тўғри келса?..»

— Ушанда ака-укалар, жиянлар йиғилишдик, — деб эслайди Шухрат. — Айтадиганимни айтдим: Завод дарвозасидан кирдикми, бас — қариндош-уруғчилик унутилади, ичкарида биз — ҳамкасб ишчилармиз, холос. Талаб, интизом — ҳаммага бирдек! Шунга кўнсанглар — хўп-хўп, кўнмасанглар — цех бошлиғи бўлиб ишни бошламай қўяқолай!

— Ишчи сўзи — эркакча сўз, — дейишди Исамухамедовлар. — Ҳамма нарса ўз ўрнида бўлади — ака-укачилик ҳам, хизматдошлик ҳам!..

Шухрат ишни ана шундай адолатли принципда ташкил этишдан бошлади. Цехнинг 90 га яқин ёшу кекса ишчисини бир жону бир тан қилиб, бошини бириктирди. Ўзбекми-русми, қозоқми-яхудийми — ҳар кимнинг кўнглига йўл топа олди. Аҳиллик, баҳамжиҳатлик ҳар қадам, ҳар сонияда ўз самарасини кўрсатди.

Ўтган йиллар мобайнида вагон-уйларнинг қурилиши ҳам такомиллашди. Чунончи, дастлаб судраладиган чаналик вагонлар ўрнига ғилдиракли вагонлар ишлаб чиқаришга ўтилди. Илгари битта вагон-уй 6 киши истиқомат қилишга мўлжалланса, эндиликда 4 кишили, ҳатто 2 кишили вагон-уйлар ҳам тайёрланмоқда.

Вагонсозлар кўриқ чўл зоналарига бориб чўлқуварларнинг ҳаёти билан танишишди, ўзлари ишлаб чиқараётган вагон-уйлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билан қизиқишди.

Дарҳақиқат, турмуш фаровонлиги ортиб бораётган ҳозирги пайтда чўлқуварлар оғир меҳнатдан сўнг маданий ҳордиқ чиқаргиси, шинам уй-жойда яшагилари келади. Бундай талаб-эҳтиёж вагон-уйларни янада такомиллаштиришни тақозо этарди. Шундай бўлди ҳам. Эндиликда ишлаб чиқарилаётган вагон-уйлар бундан 6—7 йил аввалгиларига нисбатан тубдан фарқланади. Ҳозир кондиционер,

холодильник, электр радиатор, газ плитаси, шунингдек 32 литр сув сиғими бўлган бак билан жиҳозланган вагон-уйларга кирсангиз бамисоли шаҳар квартираларидек тўқис шарт-шароитни кўрасиз.

Мазкур цех ишлаб чиқарган вагон-уйларни республикамизнинг барча областларида, хусусан, янги ерлар ўзлаштирилаётган, янги унумдор ерлар очилаётган кўриқ зоналарда учратиш мумкин. Бундан ташқари фавқулодда ҳолатларда вагон-уйларга бўлган талаб ортиб кетади. Тошкент области районларида сув тошқини аҳолига катта талофот етказганда 5-цех вагон қурувчилари айниқса жадал меҳнат қилдилар. Ойлик белгиланган нормага қўшимча 20 та вагон-уй битказиб бериш мажбурияти юкланганди. Вазиятни тўғри тушунган вагон яратувчилар ишни 1,5 сменада ташкил этдилар ва бир ойда пландаги 67 та ўрнига 87 та вагон-уй тайёрлаб тошқиндан зарар кўрган оилалар жонига оро кирдилар.

Бунда цехнинг бутунлай пудрат усулида меҳнат қилишга ўтганлиги қўл келди. Александр Шупсов, Қамбар Маканов, Кошиб Акбархўжаев сингари ишчилар ҳам намуна кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Вагон бунёдкорлари цехи заводнинг зарбдор коллективларидан саналади. Ўтган юбилей йилида цех 3 марта цехлараро социалистик мусобақа ғолиби сифатида тан олинди. Ғолибликни қўлга киритишда цех коллективининг иноқлиги, қолаверса Исамухамедовлар сулоласининг ҳиссаси катта эканлиги шубҳасиз эди.

— Меҳнатнинг ҳалол нонини қадрлаган одамгина меҳнат қилиб толиқмайди, — дейди Исамухамедовлар ишчи авлодининг отахони Назар ака.

— Меҳнат гўзаллигини ҳис қилган кишигина унинг машаққатларига чидайди, — дейди Исамухамедовлар ишчи авлодининг кенжа вакили Исмоил.

«Худди шундай тоза, беғубор туйғулар туйғайли бу ишчи сулоласининг умумий меҳнат стажи — 148 йилдан ошиб кетган-да», — деб ўйга толасан. Исамухамедовлар авлодининг метиндек мустақамлигига, ибратомуз тотувлигига ҳавас қиласан киши!..

**Раҳим УМАРОВ,**  
цех комсомол комитетининг аъзоси.



Дурдгорлар ишни чизмалардан бошлашади.

А. КУДРЯШОВ фотолари.



## Қуш уясида кўрганини қилади

Қуш уясида кўрганини қилади. Бу нақли ким билмайди, дейсиз. Агар бирон бир бола ноғўя иш қилса дарров унинг оиласини эслаймиз, ёдимизга ё отанинг, ё онанинг бирон ноғўш қилмиши тушса — қуш уясида кўрганини қилибди-да, деймиз афсус-надомат билан.

...Мақтаб лабораториясига кирган ўқувчилар ҳанг-манг бўлиб қолишди. Амалий машғулотлар учун сув билан ҳаводек зарур приборлар турган жойида йўқ эди.

Физика кабинетидан ҳам ноёб асбоб-ускуналар тўсатдан ғойиб бўлган эди. Ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг қидирмаган жойи қолмади. Асбоблар ҳеч қаерда йўқ эди.

Уларни ким олган?

Мақтаб маъмурияти ўйлаб-ўйлаб ички ишлар бўлимига хабар қилишди. Қидирув жиддий тус олди.

Ниҳоят, ўғри топилди.

У... шу мактабнинг 10-синф ўқувчиси Ш. бўлиб чиқди. Уни суд қилиб, жиноий жавобгарликка тортишди.

Лекин одамларнинг кўнглидаги саволларга барибир жавоб анчагача топилмади.

Ш. нима учун ўғирликка қўл урди. Ахир у яхши оиладан-ку?

Балки у ёмон болаларнинг таъсирига берилиб, уларнинг тазйиқи билан ўғирлик қилгандир?

Бу саволларнинг жавоби кейинроқ, Ш.нинг отаси қўлга тушиб қамалгандан кейин чиқди. Маълум бўлишича, Ш.нинг пахта заводида ишлайдиган отаси узоқ йиллардан буён пахта ўғирлаб, сотиб, пул ишлаб юрган экан.

Отасининг бебилиска пуллари қай йўл билан топилганлигини оқ-қорани таниб қолган ўсмир билмайди, дейсизми?! Виледи, жуда яхши билади.

У ҳам отаси сингари ўғирлик билан жарақ-жарақ пул ишламоқчи бўлгану, бироқ уддасидан чиқолмади, қўлга тушди. Қинғир ишнинг қийиғи бир кунмас бир кун чиқади, деганларидек ота ҳам қилмишига яраша жазо олди.

Ана шунда одамлар: қуш уясида кўрганини қиларкан-да, дейишди Ш.нинг мактаб лабораторияси ва физика кабинетини ўмарганига шама қилишиб.

Энди ота ишхонасида ҳалол ишлади, маҳалласи ва коллективида обрўга эга эди, деб фараз қилайлик. Айтинг-чи, Ш. ўғирлик қилган бўлармиди. Қилмас эди, бирон бир ўқув юртида ўқиётган ёки бўлмаса корхонада ишлаётган бўларди. Афсуски, бунинг акси бўлиб чиқди.

Бунга ким айбдор? Оила!.. Гап ота-онанинг оиладаги обрўи, шахсий ибратига бориб тақалпти-а, нима дедингиз?

## Отангнинг қаерда ишлашини биласанми?

Хўш, оилада обрўга қандай эришилади? Унга эришиш осонми? Болалар ота-оналарининг қаерда ва қандай ишлаётганликларини билишлари лозим. Бу эса болаларда мамлакатимиздаги касбларнинг ҳаммаси муҳим ва керакли, фақат меҳнатгина инсон ҳаётини мазмунли қилади, деган онгли тушунчани вужудга келтиради. Бунинг учун ота-она ўз ишига ҳурмат билан қарashi, унга меҳр қўйиб, бор куч-ғайратини, билимини ишга солиб меҳнат қилиши, ишхонасидаги нуқсонлардан қайғуриши, муваффақиятларидан қувониши лозим. Ана шунда болалар ота-онасининг меҳр билан меҳнат қилаётганлигини ҳис қиладилар. Ота ёки онанинг ўз ишхонасида вақтинча бўлса-да иши юришмаётганлигидан нолийверса, бу — болага салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Суд-тергов практикасида бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, иши тергов қилинаётган ўсмирлардан «даданг билан ойинг қаерда ишлайди?» деб сўраганда, «автобазада», «қўрилишда» ишлайди, «менинг отам бошлиқ» деб жавоб беришадими-ю, «Нима иш қилишди?» деган саволга «Ишлашди» дейишдан нарига ўта олмайдилар. Чунки аниқ билишмайди-да.

Тошкент шаҳридаги суд процессларининг бирида ўғирлик устида қўлга тушган С. Карим деган ўсмирдан судья:

— Келбатингдан бир урсанг тоғни талқон қиладиган йигитсан, нимага ишламаяпсан? — деб сўради. У:

— Э, ишлаб нима қиламан. Дадам, мана, умри бино бўлгандан буён ишлайди, лекин қачон қарасанг ишидан норози.

— Сен ўзинг отангнинг қаерда ишлашини, қандай иш билан шуғулланишини биласанми?

— Билмайман, аммо у ишдан уйга қайтиб келгач, «Уф, жонимга тегди-да шу иш» деб айтади.

Бу мисолдан кўриниб турибдики, ота ўз меҳнатидан фахрланиш ўрнига нолиб, ўғлини меҳнатдан бездириб қўйган. Чунки у «уф, жонимга тегиб кетди» дейиш билан ўғлининг онгида меҳнат қилиш «дахшат» деган тушунчани вужудга келтирган-да.

Ваъзи оилаларда бўлса ота-оналар ўзлари сезмаган ҳолда болаларида меҳнат жазонинг бир тури деган фикрни сингдириб қўйиш ҳоллари учрайди.

Шу муносабат билан ўқишни ташлаб юборган, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган, ҳатто хўжалик ва уй-рўзгор ишларида катталарга ёрдам бермаётган бир ўсмирнинг ота-онаси билан бўлган суҳбатни тилга олишнинг ўрни келиб қолди.

— Билмаймиз, ўғлимиз кимга тортдийкин, қўлини совуқ сувга ургисиям келмайдими-я.

— Уларингиз-чи, ўзларингиз қандай ишлайсиз? У сизлардан ўрнак олмаяптимикин?

— Э, йўқ, мен ўз касбимни яхши кўраман, хотиним ҳам ишлайди, биз ишламасак бир нарсамизни йўқотиб қўйгандай ўзимизни ноқулай сезамиз.

— Айтинг-чи, Сиз болаларингизни меҳнатга қандай ўргатасиз?

— Болаларини?.. Тахминан қуйидагича. Жуда ёшлигидан бошлаб агар кимда ким шўхлик қилса, қулоқсизлик қилса, катталарни беҳурмат қилса жазоси аниқ: идиш-товоқ ювади ёки пол артади, кир ювади ва ахлатларни ахлатхонага ташлаб келади ва ҳоказолар. Кўрдингизми, биз болаларнинг сандирақлаб юришига йўл қўймаганмиз.

— Ҳаммаси тушунарли...

Ҳа, чиндан ҳам ҳаммаси тушунарли. Болалар жуда кичкиналигидан бошлаб меҳнатни жазо деб «тушуниб» келганлар. Ўғлининг ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаб юришининг бош сабаби ҳам мана шунда эмасми?! Ахир унинг учун меҳнат — жазо...

Бу ўринда ота-она, гарчи бирор корхонада ҳалол меҳнат қилишаётганига қарамай болалари кўз ўнгида ўз обрў эътиборларини, қадрини тушириб қўйишганлигини айтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Бунга ўзлари топган тарбия «методи» айбдор.

Модомики шундай экан, бу воқеа ҳаммамиз учун сабоқ бўлиши лозим. Ҳаммамиз оиладаги обрўимизни сақлаб қолишга, уни мустаҳкамлашга интилишимиз, амалий ва сиёсий савиямизни ошириш устида мунтазам ишлашимиз лозим.

Бу, табиийки, ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир ота-она ўзи ишлаётган коллективнинг, яшаётган уй ва маҳалланинг фаол жамоатчиси бўлиши ҳамда бу ишларни фарзандларидан сир тутмаслик керак.

## Ўқиган китобингнинг номи нима?

Болаларни кўп нарсани қизиқтиришини биламиз. Улар биз катталарни турли-туман саволларга кўмиб юборади баъзида. Бундай пайтларда саволларга шошилмасдан ва билимдонлик билан жавоб беришимиз зарур. Аммо гоҳида ё шошқалоқлик билан жавоб берамиз, ё эриниб «билмайман», «вақтим йўқ» деб силтаб ташлаймиз. Бу ёмон экан. Ростдан ҳам биз ўзимизни улардан олиб қочиш ярамайди. Устига устак, шошқалоқлик билан берган жавобимиз нотўғри бўлиши ёки қониқтирмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда бола бошқалардан тўғри ва асосли жавоб топа олади. Бироқ унда обрўимиз балки бир пул бўлмас, аммо бир поғона пасайиши турган гап.

Бундай вазиятга тушиб қолмасликнинг бирдан бир йўли китоб, газета ва журналлар мутолаа қилиш, билим савиясини мунтазам ошириб боришдир. Бунинг яна бир яхши томони бор, у ҳам бўлса болаларимиздаям ўқишга қизиқиш, ҳавас уйғотамиз. Зеро, боланинг маънавий оламини бойитишда китоб, газета ва журналларнинг аҳамияти катта, жуда катта. Жиноят содир қилган ўсмирлар ҳаёти билан яқиндан танишсангиз, уларнинг аксарияти маънавий оламининг ниҳоятда қашшоқ эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Уларни қора курсига олиб келган омилардан бири ҳам шу — маънавий қашшоқликдир.

ОТА-ОНАЛАР, МУРАББИЙЛАР,  
СИЗЛАР УЧУН

# ШАХСИЙ НАМУНА

Мана сизга бир мисол. Б. исмли ўсмир бир кизни уриб тан жароҳати етказганлиги учун судланди. Биз жиноятга бошлаган сабабларни билиш учун у билан суҳбатлашдик, суҳбат чоғида шундай саволлар ҳам бердик.

— Сен ҳеч бадий китоблар ўқийсанми?

— Ҳм... ўқийман...

— Номини айта оласанми?

— Эртақлар эди, назаримда, номи... йўқ, билмайман, — деди у бир оз ўйланиб олгач.

— Езувчилардан кимларни қарасиз?

Б. шифтга боқди, деразага қаради, кўзларини юмди, лекин, чамаси, ҳаёлига ҳеч нарса келмади. Бир мунча дақиқадан кейин «ялт» этиб бизга боқди.

— Уқиганман, ўқиганман Навоийни!.. — деб хитоб қилди у.

Албатта, у Навоийни ўқимаган. Дарс пайтида улуғ шоирнинг номи қулоғига кириб қолган холос. Биз бунга суҳбатимиз давомида ҳам, кейинчалик уйига борганимизда ҳам иқрор бўлдик. Чунки уйда номига бўлса ҳам биронта китоб ёки журнал йўқ эди. Она йўқни йўндириб ўғлининг чет элда ишлаб чиқилган кийимлар билан вақтида таъминлаб тургану, лекин фарзандининг маънавий олами қай аҳволдалиги билан мутлақо қизиқмаган. Энг ёмони, ота-онанинг ўзи айтишга шундай масалада, яъни ўзининг маданий ва маънавий савиясини ошириш устида сира бош қотириб кўрмаган... Оқибатда истеъмолчига айланиб қолган бола ўз ҳоқиқатларини қондириш мақсадида жиноятга қўл урди.

Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг маънавий олами қандай шаклланиб бораётганидан хабардор бўлиши, лозим бўлса болаларига яқиндан ёрдам беришлари керак. Бу ёрдам нимадан иборат бўлади? Бунга жавоб битта.

## Шахсий намуна

Менинг ўғлим ёки қизим ёмон одам бўлсин, деб ният қиладиган ота-она борми? Йўқ! Ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши одам бўлиб етишишини истайди ва шунга ҳаракат қилади. Қизик, ундай бўлса қонунбузарлар, олғирлар, ўғрилар, безорилар ва шунга ўхшаган жиноятчилар қаёқдан пайдо бўлади?

Ҳамма гап шундаки, баъзи оилаларда оғизда ундай қил, бундай қил деб тўғри йўл-йўриқ кўрсатадилару, ўзлари бўлса амалда унинг аксини қилишади. Бу хунук оқибатларга олиб келаркан.

Масалан, Вухоро шаҳридаги К. оиласида воёга етган Баҳром ва Ақром деган ўсмирларни олайлик. Сиртдан қараганда улар тарбияланган оилавий муҳитдан нуқсон топиш қийин. Биринчидан еганлари олдида, емаганлари кетида, оилада ўзаро ҳурмат, ақиллик ҳукмрон, газета ва журналлар, китоблар ҳам муҳайё. Катталар болаларга виждонан меҳнат қилишнинг аҳамиятини уқтирар, бировнинг буюмини олиш, бировни алдаш, ўғирлаш мумкин эмаслиги сингдириб боришарди. Болалар ақлли, ўқимишли бўлиб, ота-оналарнинг ўғитларига амал қилиб улғайдилар.

Хўш, кейин нима бўлди?



Ж. УСМОНОВ расми.

Болалар маълум ёшга етишгач бир нарса-ни пайқашди, яъни ота-оналари тўғри юргин деб ўғит қилишса-да ўзлари сираям бунга амал қилишмас экан. Уйга келтирилаётган буюмларнинг нархи билан оила даромади орасида катта фарқ бор эди. Бу фарқ катта, жуда катта эди. Шунча пулни улар қаердан олишяпти? Гап билан иш бошқа бўлиши мумкинлигига ҳали унча шаклланиб улгурмаган болаларнинг ақли етди. Ота-она айтаётган ўғитларнинг ҳаммасига амал қилавермаслик керак экан. Шу билан бирга ота-онасига ўхшаб ҳурматли одам бўлиб қолавериш мумкин экан.

Ота-оналарнинг ёмон томондан шахсий намуна кўрсатиши оқибатида уларнинг маънавий оламидаги кичкиналик пайтидан қуриб келинган диёнат девори кунлардан бир кун қулаб тушди.

Баҳром 17, Ақром 15 ёшга кирганда уларда буюмларга, кийимлар ва вақтичоғлик қилишга қўшимча эҳтиёжлар туғилди. Уларни қондириш учун ота-оналари билан бир неча бор меҳмон бўлиб борган хонадоннинг квартирасига виждони сираям қийналмасдан ўғирликка тушишди.

Ёмон ибратнинг кичкина ва каттаси бўлмас экан. Шунинг ёддан чиқармаслик керакки, кичкина ёмон ибратдан вақти келиб катта фалокатнинг келиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Гап ёмон ибратнинг катта-кичиклиги ҳақида кетар экан, яна бир мисол устида тўхталиш керакка ўхшайди.

Тошкент шаҳрида йўл қоидаларига амал қилиш бўйича ўтказилган рейдларнинг бирида ўн тўрт ёшли бир болани тўхтатишди. У, қўлида музқаймоқ, автомашиналар ризгиз ўтиб турган кўчани кесиб ўтаётган эди.

— Сен нега йўл қоидасини бузаясан? — сўрашди боладан.

— Қанақасига?.. — ажабланиб бола, — мен қонидани бузганим йўқ.

— Ие, ахир ўтиш таъқиқланган жойдан ўтдинг-ку. Шу ҳатти-ҳаракатинг билан автомобиллар ҳаракатини ва ўз ҳаётингни хавф остида қолдирдинг.

— Билмапман... Тўғрироғи бу ҳақда ўйлаганим ҳам йўқ. Ахир мен отам билан ҳар доим кўчанинг шу еридан ўтамиз...

Маълум бўлишича, боланинг отаси, давлат муассасаларининг бирида масъул лавозимда ишлар, ўзига ҳам қўл остидагиларга ҳам, ўз болаларига ҳам қаттиққўл, талабчанлик қиларкан. Бироқ, болалар билан сайрга чиққанда кўчани таъқиқланган жойидан бир неча бор кесиб ўтган экан. Эҳтимол, у бундай жойдан ўтиш қоида бузишга киради деб ўйламагандир, тўғрироғи, бунга эътибор бермагандир. Ўғил бўлса, отасининг бу ишидан белгиланган қоидага баъзан амал қилмасаям бўларкан, деган хулосага келган. Бунинг оқибати хунук бўлишиям мумкин эди.

Кўрдингизми, арзимагандай кўринган нарсадан жиддий хатолар, янглишувлар вужудга келиши ҳеч гап эмас.

Биз юқорида ота-онанинг оиладаги обрўйи, шахсий намунаси бола тарбиясида катта роль ўйнаши ҳақида суд-тергов материалларидан келиб чиқиб фикр юритдик. Агар мақола билан танишиб чиққач, фарзандларингиз билан ўзаро муносабатларингиз ҳақида бир бош қотириб ўйлаб кўрсангиз, биз олдимизга қўйилган мақсадга эришганмиз деб ҳисоблаймиз.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,  
Ўзбекистон ССР прокурорининг  
алоҳида топшириқлар бўйича ёрдамчиси,  
юстиция маслаҳатчиси.  
Обид НУРБОЕВ,  
Республика прокуратураси  
воёга етмаганлар билан  
ишлаш бўлимининг  
катта прокурори.

# ОИЛАДАГИ ОБРЎЙИНГИЗ...

# КЕЧА ВА ҚУНДУЗ

ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК  
КОМИТЕТИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ

ОКтябрь социалистик инқилоб ғалаба қозонди! Лекин бу ғалаба буюк миссиянинг муқаддимаси эди, холос. Энди ғалабани асраб-авайлабгина қолмай уни мустақамлаш, революциянинг ҳаётбахш шабадаларини юртимизнинг зулмат қаъридаги чекка ўлкаларига қадар етказиш лозим эди! Бироқ ленинчи ҳокимиятнинг тиш қайраб турган душманлари сон-саноқсиз, доҳиймиз айтмоқчи, Совет ҳокимиятига суиқасд уюштириш кўйидаги ички ва ташқи кучлардан мудом ҳушёр бўлмоқликни тақозо этарди давр. Ана ўшандай даврлардаёқ советларнинг давлат хавфсизлик органлари социалистик революция бешигини кўриқловчи муҳим ташкилотлардан бирига айланди.

Октябрь революцияси ғалаба қозонгач, халқаро империализм Россия ичкарисидagi барча аксилинқилобий кучларни бирлаштириш чора-тадбирларини кўришга киришди. Шу чора-тадбирлар маҳсули ўлароқ турли «марказлар вужудга келди. Уз навбатида бундай марказлар Совет ҳокимияти амалга ошираётган улкан ишларга тўғоноқ бўлишга уринди.

Туркистондаги аксилинқилобий унсурлар меньшевиклар ва эсерлар партиялари ҳамда Февраль революциясидан кейин вужудга келган миллатчи ташкилотларга суянди. 1918 йил баҳорида инглиз разведкаси топшириғига кўра собиқ шоҳ генерали Жуковский Тошкентда «Туркистон ҳарбий ташкилоти» («ТВО»)ни тузди. Ашхобод, Қўқон, Скобелев (ҳозирги Фарғона), Самарқанд, Андижонда мазкур ташкилотнинг филиаллари вужудга келди. «ТВО» раҳбарлари «Уламо» деб аталмиш миллатчи мусулмонлар ташкилоти, шунингдек Бухоро амири ҳамда босмачилик тўдалари бошлқлари билан тил бириктирдилар.

«ТВО» кўплаб офицерлар, рус ва маҳаллий буржуазия вакиллари, меньшевиклар, эсерларни бирлаштирди. Ташкилот инглизлар измидан чиқмас, бор кучини Туркистонда оёққа тураётган Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашга қаратганди.

1918 йилнинг августида Тошкентга майор Бейли бошчилигидаги махсус жосуслар гуруҳи келди. Англия ҳукумати томонидан жўнатилган бу гуруҳ гўё янгитдан вужудга келган Туркистон ҳокимияти билан алоқа ўрнатиш ва янги жамият ҳамда давлат тузуми билан танишиш мақсадида ташриф буюргандек эди. Аслида эса Бейли гуруҳига аксилинқилобий ҳаракатларга бошчилик қилиш вазифаси топширилган эди.

Бейли гуруҳининг келиши билан «ТВО» фаолияти жонланди. Аҳоли ўртасида ақсташвиқот кучайди, ташкилотнинг янги-янги филиаллари пайдо бўлди, айнаи вақтда Тошкентга хуфиёна келган Жуковский Бейли билан музокара олиб борди. Август ойининг охирида «ТВО» штаби генерал Кондратович Бейли гуруҳи билан ҳамкорликда ишлаб чиққан қуролли кўзғолон планини қабул қилди. Бироқ манфур ният куртак отмай юлиб ташланди.



*Авганистонлар!*

Иброҳимбек тўдаларини тор-мор этишда жон олиб-жон берган кўнгилли халқ фидойилари.

«ТВО»нинг изига тушган Туркистон Фавқулодда Тергов Комиссияси Фарғона ва Тошкентда фитнага алоқадор бўлган бир қатор ташкилот раҳбарларидан 50 кишини қўлга олди.

Туркистон Фавқулодда Комиссиясининг фoш қилувчи бу ҳаракати империалистик разведка режалари илдизига урилган дастлабки зарба бўлди. Зеро, интервентлар Урта Осиёга қуролли хужум уюштиришда ишонган таянчларидан бирини бой берган эди.

Афсуски, «ТВО» ҳали бутунлай йўқотилмаган, Ташкилотнинг жон сақлаб қолган фаоллари ҳамон ўз ниятидан қайтмаганди. Унинг полковник Зайцев етакчилигидаги гуруҳ аъзолари Фарғонада Эргаш қўрбоши тўдасига бориб қўшилди. Эргаш қўрбошининг нияти катта эди.

Аксилинқилобий ҳаракатлар янги-янги пинҳоний режалар бўйича иш олиб борар, кучларни бирлаштириш, марказлаштиришга уринар эди. 1918 йилнинг охирида инглиз жосуси Осипов (Қизил Армияда йирик нуфузга эга бўлиб олган хоин) бошчилигида «Муваққат комитет» ташкил топди.

«Муваққат комитет» исёнини 1919 йил март-апрель ойларида бошлашни мўлжаллади — бунда оқгвардиячи ва интервентларнинг Туркистоннинг барча фронтларида бошланажак босқинчилик операцияларига қўшиб юбориш кўзланган эди. Бу, инглиз-америка империалистларининг тўғридан-тўғри кўрсатмасига асосланган — Туркистонда Совет ҳоки-

миятини бир зарб билан ағдариб ташламоққа қаратилганди.

Туркистон Фавқулодда Комиссияси ҳозирланаётган ҳаракатдан хабар топди. Аксилинқилобий ташкилотни фoш қилишга катта кучлар сафарбар этилди. Дастлаб Осиповнинг адъютанти Ботт қўлга олинди, сўнгра унинг шахсий котиби Стремковскийнинг пайгага тушилди. Фавқулодда Комиссия Ташкилот бошлғи Осиповни қўлга туширишга киришди. Лекин ўша вақтда Осиповнинг сотқинлиги ошкор бўлмаганди, Осипов эса Боттни озод этиш чораларини кўрди.

Вазиятни ҳисобга олган «Муваққат комитет» раҳбарлари исён муддатини ўзгартирдилар — 1919 йил 19 январга ўтар кечаси Тошкентда исён кўтарилди. Туркистон партия ва совет органларининг 14 раҳбарини хоинларча алдаб ваҳшиёна ўлдирилиши шу пайтда рўй берди.

Тошкент большевиклари Осипов тўдаларига қақшатғич зарба берди. Шаҳар пролетариати большевиклар билан елкама-елка туриб 21 январь кuni манфур ниятли кучларни бостиришга эришди.

1920 йил ёзида Семиречье оқгвардиячи аксилинқилобчиларининг йирик ва хавфли ўчоғига айланди. Оқ гвардиячилар бу ерни Совет ҳокимияти билан бўлажак жангларда ишончли кўрғонга айланттиришга уриндилар. Бинобарин, инглиз-америка империалистлари ўз чангалини Семиречьега довури чўзиши табиий ҳол эди.

Семиречье аксилинқилобчиларини Қошғар, Ғулжа сингари чегара шаҳарларидаги собиқ шоҳ консуллари қўллаб-қувватладилар.

Уша йилнинг май ойида оқгвардиячи офицер Демченко аксилинқилобчи кучларни бирлаштириш ва уларни қуролли ҳаракатга бошлаш мақсадида Норинга келди. Норин божхонасида ва 5-чегара полки батальони штабида маҳфий марказлар ташкил топди. Мўлжалланган ҳаракат Прежевальск, Пишпек ва Тўқмоқ мавзеларини ҳам қамраб олиши керак эди. Фитначилар Дутов, Анненков ва босмачи тўдалари ёрдамига ҳам умид боғлашди. 6 ноябрга ўтар кечаси 5-чегара полки батальони Д. Кирьянов бошчилигида Норинга юриш бошлади. Исёнчилар Норинни қўлга киритиб, ҳибсга олинган аксилинқилобчиларни ўз сафларига қўшдилар, сиёсий бюро мудирини Оразбековни эса ваҳшиёна ўлдирдилар.

Норин исёни тезда бостирилди. Фавқулодда Комиссия аъзолари олиб борган кузатув ишлари натижасида янада йирикроқ, хавфлироқ аксилинқилобий фитна фoш бўлди.

1921 йилнинг бошларида Синьцзян вилоятидаги оқгвардиячилар орасида сезиларли ғаламисликлар қайд этила бошланди. Совет Россиясига қарши юришга даъват этувчи варақалар тарқатилди, совет тупроғига қўлда қурол билан бостириб кириш планлари ишлаб чиқила бошланди. Бу ҳаракат тепасида ҳеч қандай разилликлардан тап тортмайдиган атаман Дутов турар эди. Хорижий хўжайинларининг амрини бажарувчи бу олоқ Совет ҳокимиятига барча кучлар билан бирдан зарба беришга киришган, шу мақсадда Фарғона босмачилари билан тил топишиш чорасини излар эди.



Исломқул (ўртада) аҳоли орасида «полвон» деб ном таратган эди. Лекин совет чекистлари бу полвонни ҳам мағлуб этдилар.

*Босқинчилар ва сарга, гўл  
ватанпарварлар.*









# Шеърнам

Абдували ҚУТБИДДИНОВ

## Умид ҳақида қўшиқ

Чўлсифат қоврилар — жийрон тўғин  
Овозин эшитиб, довул тамоғи...  
Қудуғим қум тўла, қум тўла боғи  
Қучоғим кимсасиз.

Илонлар ўтади ёнимдан шошиб,  
Томирим юракдан ўрмалар қочиб.  
Кўзларим беркинар қабоқдан тушиб,  
Қучоғим кимсасиз.

Нақадар соғиндим сизларни қорлар!  
Умидим — битта нон, секин могорлар.  
Сўраса бераман ҳатто қарғалар,  
Қучоғим кимсасиз!

Қирқта жой қўйдим-ку ахир тайёрлаб,  
Жонимни поралаб этдим қирқ бўлак.  
Қирқта қотилимни қачон етаклаб —  
Келасан севгилим?

\* \* \*

Самарқанд мени баҳорда чақиради,  
Минорлар юради галалашиб.  
Дарғомда уйғонган балиқлар бақиради,  
Камалаклар қувлашар ранг талашиб.

Боғлар гуркирайди, осмон ҳам филт-филт  
Бир йиғлаб олади, кулар қалдираб.  
Қушлар гурросига мўлтираб мўлт-мўлт  
Шаҳарга киради қирлар галдираб.

Хай-хайлаб томларга чиқар одамлар  
Дўппиларга тўлар юлдузлар нури.  
Тизилиб рақс тушиб берар оқшомлар  
Кундузларга фонус кўтартиришиб.

Фақат Самарқандда шундай бўлади,  
Кимдир туғилади, кимдир ўлади.  
Туғилгани бўлар албатта ошиқ,  
Улгани албатта ошиқ бўлади.

Самарқанд мени чақиради бир кун,  
Сочларин куйлатиб мажнунтолининг.  
Кўкрак қафасимни ёриб бораман,  
Қон пулкаб юзига шамолнинг.

## Ҳикоят

Йиғладим. Ҳовучим тўла сув бўлди,  
Тишимдан қон сизар, юрак чанқовуз.  
Бошингни эг жоним, мажнунтол каби  
Бу ҳовуз.

Пичирлаб лабларинг сузмакдадирми  
Ушатиб ташланган ўзимми буткул.  
О, нечун хўнграб йиғлади, айтгил  
Бул-бул.

Қарагин янчилган осмон сепилди,  
Зарралар санчилди аччиқ кўйдириб.  
Бир қозон атала ағдарди кеча  
Ўкириб.

Чиппа-чин ёпишиб фарқ бўлди-ей,  
Этимиз тутатиб биргамиз, битта.  
Бизни қиймалашга улгурмайдилар,  
Ахир бу эртаакки!

Йиғладим. Йиғладинг ҳовуч сув тўла,  
Тишлардан қон сизар, юрак-чанқовуз.  
Эгилсак сочимиз чирмашибди-я,  
Қўшилиб кетибди  
Кўзимиз.

\* \* \*

Елғизлик, телбалик бир орол...  
Муштдай кабутарга бир армон.  
Ўйлайсан дунёда зўр қирол  
Наҳотки Робинзон, Робинзон.  
Ўзни афсонага берасан  
Оролга етасан тахтада.  
Кунларни тош каби терасан  
Йилларни соласан халтага.  
Эчкилар калака қилишар  
Қушлар чўқиб кетар бурнингни.  
Тўлқинлар дилингни тилишар  
Хўл қилиб қўйишар ўрнингни.  
Сен хафа бўласан, хўнграйсан  
Крузони қидириб, дилдираб.  
Дарахтларнинг учида ухлайсан  
Товушлардан кўрқиб қалтираб.

Елғизлик, телбалик, шўр тақдир  
Муштдай кабутарга бир армон.  
Сен сизиниб келган оролдан  
Кетиб қолибди Робинзон.

## Маширабнинг топилмаган тўртликлари

Қилич чопар овозим  
Чирқиллайди бебунёд.  
Пичоқчи дўжониди  
Қўлларим қаттиқ пўлот.

\* \* \*

Қамишлар йиғлар йўлда  
Ел билан ҳасратлашиб.  
Туялар билан кетар  
Оёқларим гаплашиб.

\* \* \*

Турналар тумшугида  
Сақлар қон ила тузни.  
Фарёдим эчкизма  
Соғиб олар юлдузни.

\* \* \*

Ит калласин туғ қилиб  
Ватан қилар ибодат.  
Тўқимлаб эшакларни  
Тоққа кетар саодат.

\* \* \*

Бошимдаги соч эмас.  
Тўкилиб битар журуп.  
Елкамга пичоқ эмас  
Санчилади халачўп.

\* \* \*

Жоним солинган тобут  
Сузар, сузаро фалак.  
Қувиб келар оргимдан  
Чанглар хирсдай хансираб.

\* \* \*

Дор ясаб олган маҳлуқ  
Менга қазир гўшангга.  
Қип яланғоч танамни  
Ҳадя этдим ўшанга.

\* \* \*

Укам Абдуманнонга

Қора чакмон кийган тун  
Чакмонини қоқади.  
Енғоқ дарахтин силкиб  
Енғоқлар чақади.  
— Тишинг оғриди ахир  
Тишлаганинг юлдузча.

Қора чакмон кийган тун  
Судралади торгилиб.  
Енғоқ дарахтга аста  
Қолар қўли осилиб.  
— Қўлинг оғриди ахир  
Ушлаганинг шафақча.

Қора чакмон кийган тун  
Езиб қўяр чакмонин.  
Катта қозонга аста  
Солиб қўяр осмонни.  
— Куйиб кетасан ахир  
Солиб қўйганинг қуёш.

## Сўроқ

Мени ит қопди.  
Занжири бўшалган экан.  
Кейин мени танимабди.  
Тоғамнинг айтишича:  
— Носир бобонинг тўнғич неварасиман,  
десам  
Думини ликилладиб қўлимни яларкан.

Яраларим битди.  
Тузалдим.  
Сойга бориб чўмилдим.  
Офтобруйда чўзилганимда,  
Эмчаклари осилган кучук  
Кўзлари ёш тўла термулди.  
— Носир бобонинг тўнғич неварасимисан?  
— Ҳа.  
— Мен бобонг оттирган итнинг онасиман.

Мен итлардан то ҳануз қўрқаман.  
Улар таъқиб этар умрим хилватларида.  
Ҳамон ўша итнинг арвоқи келади,  
Кечирим сўрайди оёғим ялаб.  
— «Кечир, кечир...»

Ҳамон кучук онага дуч келаман,  
Тилсиз фарёдлари мени қопади:  
— Носир бобонинг тўнғич неварасимисан?  
— Ҳа.  
— Мен бобонг оттирган итнинг онасиман.

\* \* \*

Ойдаи юзингга боққан  
Кунлар эриб — сув оққан.  
Ер қағрини қўпориб  
Сенга бойчечак боққан.

Сойдай сочингни тараб  
Бодлар қолдилар қариб.  
Сенинг тикилишингдан  
Тоғлар кетдилар юриб.

Офтоб ловуллаб кетган  
Ойнинг ярмини ёққан.  
Сени бир марта кўриб  
Кўзини иликдай қоққан.  
Сенга бойчечак боққан!

## Ўкинч ҳақида қўшиқ

«Ман-эй, ёндим, сен-ей, ёндинг».  
Дилларни куйдирибмиз.  
Бир тараф мен, бир тараф сан,  
Йилларни куйдирибмиз.  
Айбимиз йўқ, азизам!

Чароғдир бу, қароғдир бу,  
Талпиниб яшагандик.  
Мен — аланга, сен — аланга  
Юракка тўшагандик.  
Айбимиз йўқ, азизам!

Тонг отгунча учолмадик,  
Юлдузларга кўчолмадик.  
Сен ёниб алдолмадинг,  
Беролмадим мен фириб.  
Айбимиз йўқ, азизам!

Шамол совуриб кетди,  
Қирларга тўкиб кетди.  
Иккимизни икки қуш  
Талашиб чўқиб кетди.  
Айбимиз йўқ, азизам!



# ХДЖКУ

# Х Д Ж К У

Хокку (учлик) қисқалиги ва ўзига хос поэтикаси билан ажралиб туради, танка (бешлик) билан бирга япон шоирларининг энг сеvimли жанрларидан бири ҳисобланади.

Фикр лўнда ифодаланишини, образлар сиққлигини талаб қилган шакл торлиги жанрнинг шеърӣ моҳиятини кенгайтириш йўлларини излашга мажбур қиларди. Бу йўл япон шоирларини хоккуда сўз ўйинидан, истиорадан, мажоз ва муболағадан кенг фойдаланишга олиб келди ва жанр камолотини ривожлантиришга хизмат қилди.

Улуғ япон шоирлари хокку учун энг муҳими — таассурот ва таассуротни акс эттиришнинг табиийлиги деб тушунганлар. «Ҳақиқат йўқ экан, хокку яратилмайди», деганди Камидзима Оницура.

Хокку улуғ Мацуо Басё «фуэки рюко» деб атаган, таржимаси «мангу ва ўткинчи», «ўзгармас ва оний» деган маънони билдирган ижодий принцип асосида яратилади. Басёнинг фикрича «ҳақиқий хокку» ўзида икки унсурни мужассам этмоғи шарт: биринчидан, таассуротни оний ва доимийликка дохил бўлиши; иккинчидан, таассурот фақат ўз манбаи бўлмиш лаҳза ёки ҳодисага хос бўлиши талаб этилади. Бошқача қилиб айтсак, хокку оддий кузатиш (масалан — ўтлаётган от, сувга сакраган қурбақа, шамол эгган бамбук, олча гулининг тўкилиши, қуш қичқирғи) ва шу кузатиш сабаб бўлиб кўнгилдан кечган доимий (мангу) ҳис-туйғу меваси бўлмоғи керак.

Тагава Сууюкоцу «Хокку шоирлари автори ҳақида йўлар» эссесида шундай деб ёзади: «Бу шоирлар ерда

эмас, арши аълода дарбадар юрдилар. Улар учун ахлоқнинг темир тўсиқлари кўндаланг эмас эди. Бу шоирлар озодликнинг тоза ҳавосидан нафас олганлар, ахлоқий тўсиқларни (бу ерда конфуциан ахлоқ нормалари назарда тутилмоқда) четлаб ўтганлар. Бу уларни хароб ёки шарманда қилиши ҳақида ўйламаганлар. Улар бошқа дунёда яшадилар... Узлари яшаган дунё моҳиятини улар ушбу сўзларда очиб берганлар: «Юракни яйратган истироҳат шундай туйғудирким, у фикр аниқлигидан (яъни ҳиқиқатдан) ҳам юксакдир».

Хокку моҳиятида япон эстетикаси — «саби» ғоялари ётади. Саби «ёлғизлик изтиробини» деган маънони билдиради. Саби будда таълимоти асосидаги ғоялар замирида шаклланган. Япон олими Макато Уэда сўзи билан айтсак: «Саби ёлғизлик кайфиятини белгилайди, аммо бу сеvimли кишидан жудо бўлган инсон ёлғизлиги эмас, балки тунда бамбукзор узра шитирлаб тушаётган ёмғир ёлғизлиги, қайдадир, олисда яп-яланғоч тошлар орасида куйлаётган чигиртка ёлғизлигидир... Табиат туйғулар билан яшамайди, бироқ у туйғуларни яратади. Сабининг асл моҳияти ҳаётдир».

Шундай ҳикоя қиладилар: Улуғ Басё шоғирдларидан бири ушбу хоккуни битди:

Ниначи қанотини  
Юлсанг, ўхшаб қолар  
Қалампир кўзоғига.

Басё буни рад этиб, шундай деди: «Бу хокку эмас. Сен ниначини ўлдирибсан, аслида мана бундай деб айтиш керак эди:

Қалампир кўзоғига  
Қанот берсанг, бас —  
Ниначига айланар».

Басё бу билан хокку ҳаёт манбаи эканини уқтирган эди.

## Мацуо БАСЕ (1644—1694)

Сен айтардинг: «Бўтакўз»  
Жуда қайғули янграр».  
Қабрингдаги бинафша ундан ҳам  
қайғулироқ.

Яп-яланғоч новдада  
Ёлғиз қарға ўтирар.  
Қоронғи куз оқшоми.

Ер қочар оёғимдан,  
Майсани ушлаб қолдим...  
Айрилиқ они етди.

Қоронғи куз оқшоми.  
Ёлғизликда ўйлайман:  
«Қандай яшар ён қўшним».

Ойсиз кеча. Зулумот.  
Минг йиллик дарахт ила  
Олишар тунги бўрон.

Гуллар сўлиб бўлди.  
Тўкилмоқда гуллар уруғи  
Кўзёши каби.

Яна дилда уйғонди  
Ота-онам соғинчи.  
Танҳо тустовуқ саси.

Тунда сув музлаб қолиб,  
Жаранглаб синди кўза —  
Чўчиб уйғониб кетдим.

## Такаран КИКАКУ (1661—1767)

Тонгга яқин туш кўрдим  
Мен онамни... Сен уни  
Сайраб қувма, каккужон!

Далалар уфқи бўйлаб,  
Ердан узилиб кетган  
Тўрғай тўлиқиб куйлар.

Тошбўрон айланг мани!  
Гуллаб турган олчанинг  
Шохин синдириб олдим.

Шолини янча туриб,  
Тўхтаб қолди-ю деҳқон,  
Ойга термилиб қолди.

Чопар менга даставвал  
Олча бутонин тутди,  
Кейин эса мактубинг...

Гулларнинг саноғи йўқ!  
Бари гуллар ўзгача,  
Жасорат эмасми бу?!

## Ёса БУСОН (1716—1783)

Шабнам тушди саҳарга яқин.  
Тоғолчанинг тиканларида  
Шода-шоода марварид порлар.

Ҳой, қарға, сўйла, нечун  
Бу ерларни тарк этиб  
Учарсан шаҳар томон?

Булбул тўлиқиб куйлар!  
Қандай катта очар у  
Кичкина тумшукчасин.

Унутилган қабртош.  
Остида — ўнгми ё туш? —  
Кимдир ибодат қилур.

Бу уй кишлоқдан четда.  
Эшигин тақиллатмас  
Ҳаттоки қизилиштон.



Оғир, чўян кўнғирок.  
Унинг тилига кўниб  
Қотиб турар капалак.

Тўрт ён шумғиё гули.  
Ғарбда кун ботаётир.  
Шарқдан ой чиқаётир.

Қайғуга тўлиб кеча  
Қояга чиқдим — эвоҳ,  
Наъматак унда гуллар!

Қароқчилар бошлиғи.  
Ҳатто у шундай тунда  
Ой ҳақда кўшиқ битди.

Титраб кетдим: ётоқда  
Босиб олдим кўз юмган  
Хотинимнинг тароғин.

Тоба қасри томонга  
Елиб борар отлиқлар...  
Куз бўрони авжида.

## Кобаяси ИССА (1763—1827)

Орамизда ётлар йўқ!  
Ҳаммамиз биродармиз  
Олча гули остида.

Қойил! Уша қўшиғин  
Тўраларга юзма-юз  
Тап тортмай куйлар булбул!

Олчалар гуллар қийғос!  
Улар мағрур бекниям  
Эгардан туширдилар.

Ҳа, ишондим, сен аввал  
Маним синглим бўлгансан,  
Эй, қайғули каккужон!

## Ўғлимнинг ўлимига

Умримиз шабнам эрур,  
Шабнам бўлса-да умр,  
Оҳ, бари бир, бари бир...


О, қандай ҳасрат ила  
Қафасдаги қуш боқар  
Учаётан капалакка!

Юксакда турган Будда  
Бурнининг тешигидан  
Учиб чиқди капалак.

Боламини жазоладим —  
Шабада эсиб турган  
Дарахтга боғлаб кўйдим.



Терговчанам 1978. ма. 1. суратан м. л. ч. о. л. м. н. к. у. с. с. а. р. и.   
 «А. у. с. с. а. р. ! Не кунсомни сарфам, динимга? динимга   
 у. с. с. а. р. 3. 1. 1989»



Адибнинг ушбу сурати биринчи марта эълон қилин-  
моқда.

Абдулла ҚОДИРИЙ



Дадам «Отам ҳақида» деб номланган хоти-  
ра китобларида бобом Абдулла Қодирийнинг  
бирор зарурати бўлмаса кимсаларга хат би-  
тиш одатлари йўқлигини ёзганлар. Лекин  
бобомнинг заруратини топиб ёзган хатлари  
ҳам сақланиб қолган. Уша мактубларнинг  
ўз тарихи бор.

Бобом ўз таржиман ҳолларида шундай  
ёзадилар:  
*«Октябрь кундан-кунга ўсди. Унинг ўсиши  
баробарида маданий, илмий эҳтиёжлар ҳам  
ўсди. Мен тарғиблик мактаб кўрмаган нодон  
бир йигит эдим. Унча-мунча билган нарса-  
ларим ҳам ўз тиришувим орқасида, замон  
шароити ва мажбурияти остидаги чала-чул-  
на гаплар эди. Кейинги кунларда нодонли-*

*гим ўзимга қаттиқ ҳис эгила бошлаб бу ҳол  
билан узоққа кета олмасимни сездим ва 1924  
йилда хизматимдан жавоб олиб Масковга  
ўқишга кетдим...»*

Шундай қилиб бобом «Муштум» журна-  
лида айна «қайнаб» ишлаб турган чоғларида  
Москвага ўқишга жўнайдилар. Унда Вале-  
рий Брюсов номидаги журналистлар инсти-  
тутида ўқийдилар. Уқиш чоғида ўз она Ва-  
танларини, матбуотларини унутмайдилар,  
берган ваъдаларига биноан «Муштум» жур-  
налига «Масков хатлари» туркумида хат-  
мақолалар ёзиб турадилар. Москва ҳаётига  
оид воқеаларни, унда илм олаётган баъзи  
«мирза қирон чиллаки» талабаларни ёки сав-  
до-сотиқ билан машғул бўлган «комерсант»-

ларни ҳажв остига олиб «Муштум» га йўллаб  
турадилар.

Туркистон адабий-маданий ҳаётида юз  
бераётган ҳодисалар, шоирлар ижоди,  
матбуот чиқишлар ҳам олисда яшаётган  
Абдулла Қодирий назаридан четда қолмай-  
ди. Қуйида эълон қилинаётган мактублар  
1924 йили «Муштум»нинг турли сонларида  
босилган бўлиб, улар ҳозир ҳам илиқ бир  
меҳр билан ўқилади, хатларни ўқиб туриб  
улуғ адибимизнинг табаррук нафасларини  
туйгандек бўламиз.

Хондамир ҚОДИРИЙ,  
адибнинг невараси.

2-хат

Гоҳо Туркистон ва Бухородан бу ерга савдо  
учун келган судратма чопон, ёлма салла  
акаларга учраб қолишлар ҳам бор. Салла-  
чопон, кавш-махси, белбоққа қистирилгон  
кир ёвлиқ, ойниқса махсининг қўнжиға ҳав-  
сала қилгон кенг-ковл иштон: буларнинг  
устига қўлдаги қаҳрабо тасбиҳ... хаммаси  
ҳам жойида!

Акамнинг ўзларича айтканда «чин мусул-  
мон», ўзимга қўйиб берсангиз «тирик  
намойиш» бу афандини кўриш биланоқ ега-  
ним оғзимда, ютканим бўғзимда қоладир.  
Ва эсимга Туркистон ва Бухоро тушиб гўёки  
араққа ўрганган янги бойбаччадек бир сеска-  
ниб ҳам юбораман. Балки, анулардан уялиб  
сесканарсан, дерсиз. Тўғри. Лекин қисман.

Чунки аксимни кўзгуда кўруб ойнага туф-  
лашни аҳмоқликдан санаб юрмаган бўлсам  
эди... Шунинг учун бу ерда сескангиратурган  
омилнинг каттаси бошқа гап.

Бошни чўлғоб олгон салла билан ер супи-  
риб юрган тўн остида биласизми, қанақа  
лаш-луш бор? Эшакка тескари минган дан-  
галдор таъсуб!!! Ҳозирги кунда тилга олиши-  
кина эмас, оёққа босиш ҳам уят бўлгон бу  
акамнинг фикрича кўп кишилар кийим ўз-  
гартириб диндан чиқиб кетди, а бунинг  
ўзи бўлса алҳамдулилло эскича, яъни дин-  
дан чиқгон эмас. Нега десангиз салласи  
ҳамавақт бошида, тўни бўлса ер супирадир.  
Агарда ул шундан бошқа фикр билан салла  
ўроғонда эди, тўн кийганда эди, айтингизчи,  
уни ким айблаш олув эди, айб қилишга  
кимнинг ҳаққи бор эди?

Еврүпо одамлари ўрта асрдан қолма асар-

ларга жуда қизиқиб қарайдирлар, уларнинг  
бўш вақтлари музаларга мунхаср. Тасодиф-  
ни қаранг кўчада ўрта асрдан қолма бир  
сиймо... Халқ ўрта аср осорини кўб кўрган-  
куришса, лекин шунинг билан бирга бун-  
да — кўчада мужассами жонлик ўрта аср-  
нинг бир сиймоси... текин, машаққатсиз  
томошодан ким зерикади, дейсиз? — Ҳамма-  
нинг кўзи шу маймунда... таажжуб, муҳо-  
кама, истехзо, илжайиш...

Масковда бўлгон кишига айтқулиги йўқ;  
севит, тевер ва... булварлари. Ойниқса «сев-  
тиний булвар» ҳақиқатан аҳли дурднинг  
ёруғлиқ жаҳони!


Қош қорайғандан сўнг шу булварлар  
бўйинча инсонлар денгизи оқадир. Бу денгиз-  
ни ўзимизнинг турмишга олиб тасвир қи-  
лиш — ўхшатиш қийин. Лекин ўқуғучи мен-  
дан кулса ҳам ўзимнинг кечаги ўхшатишим







«Ўзбекфильм» киностудиясида  
олингган янги «Армон» кинолентасидан кадр.  
В. СВИРЕНКО фотоси.





Кенг, ёруғ токарлик цехида эндигина ишдан тўхтаган станоклар ҳали совушга ҳам улгурмаган. Саранжом-саришта хонада фақат иккита ўқувчигина ишини давом эттира бошлади. Бугун улар — Вьетнамлик ўқувчилар-цех эгалари бўлишган. Тошкентдаги 11-СПТУда уларнинг юртдошлари 200 дан ошади. Ҳорижлик бошқа ёшлар ҳам касб-ҳунар эгаллашаётган бу — 11-СПТУнинг мавқеи чет элларда ҳам маълум.

Билим юрти 2-қаватида бўлажак уста — дурадгорлар ҳунар ўрганишаркан. Узунлиги 6 метр келадиган кўп токчали шкаф битай деб қолибди. Шкафнинг сирти дазмолдай силлиқ, ҳар қандай магазинни яшнатадиган бу бежирим буюмларни ўқувчиларнинг ўзлари ясашибди. Кўриб ҳавасингиз келади. Ҳозирданоқ улар тайёрлаган мебелларга мактаблардан, ҳатто йирик корхоналардан буюртмалар келиб турибди. Республика ҳунар-техника билим юртлари махсус магазини «Золотинка» ҳам уларнинг пеш маҳсулотларни сотиб, шошириб кўярокан.

ра кетди. «Фарғоналик экансиз, ўша ерда ўқий қолмадингизми, наҳотки у ерда мақтовга лойиқ билим юрти бўлмаса!» — деган саволимга Равшандан олдин қаршилик дўсти Ҳабибулла Муқимов жавоб қилди:

— Бор! Бўлганда қандоқ! Бизнинг Қашқадарёда ҳам, Фарғонада ҳам яхшилари кўп. Сизга нима десам экан! 11-СПТУ — энди... бошқачада!

Бугунги учрашувдан жуда кўп нарсаларни билиб олдим. Суҳбатдошларим танлаган касбига меҳр қўйишибди. Константин Валентинович Ивановни «Ажойиб директор, қаттиққўл, синчков — ҳар қандай икир-чикирни ҳам эътибордан қолдирмайди», — деб тилга олишди. Унинг ўқув тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари Иван Петрович Вакуленко — энг самимий одам эмиш. Ҳамма болалар уни севишаркан. Яна бир гапни айтاي — бу ерда спортга ҳам қизиқиш катта. Бир неча йилдан бери ҳунар-техника билим юрти шаҳар спартакиадасида голибликни қўлдан бермай келаркан. «Дабатта, бу энг аввало ким тўфайли! Физкультура



техниклар ва бошқа кўпгина ихтисосдаги мутахассислар тайёрланади. Бу ерда 1100 ўқувчи шарафли ишчи касбини ўрганишяпти. Утган йили СПТУ 20 ёшга кирди. Билим юрти юбилейни ютуқлар билан кўтиб олди.

Билим юрти тайёрлаётган мутахассисларни маънавий шакллантиришга ҳам катта эътибор бериб келмоқда. Тошкент трактор заводининг бу битирувчиларга астойдил талабгорлиги ҳам бежиз эмас.

Равшан Эркабоев учинчи курсда ўқийди. Ҳадемай учинчи разрядли токарь бўлади. Узи ҳақида тортинибгина гапирди. Гап келажак режалари ҳақида борганида тўлиб-тошиб гапи

чалади.  
— Элзод эса вокаль-чолғу ансамблининг солисти, — қўшиб қўйди Саша Махмудов, — ансамбль ўтган йили сиёсий кўшиқлар конкурсида шаҳар бўйича биринчиликни олди. Элзод Минскда бўлиб ўтган бутуниттифоқ конкурсида ҳам қатнашган.

Ўқувчиларнинг маънавий баркамол, етук мутахассис бўлиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд, шундай ҳунар мактаблари республикамизда қанча кўпайса, жадаллаштириш планларимиз шунча тез амалга ошган бўлур эди...

## ҲУНАРМАНД ЁШЛАР МАКТАБИ

СУРАТЛАРДА (юқоридан, чапдан)

Ижтимоий фанлар кабинетига ҳорижлик ўқувчилар билан ўтказилаётган машғулот.

Бунақасига қилиб кўрсак қалай бўларкин!.. [Биринчи курс ўқувчилари Рафаэль Абдураимов ва Олег Нестеровлар].


Информатика асослари ва ҳисоблаш техникасини ҳунар мактаби ўқувчилари ўн олтита

япон компьютерлари ёрдамида ўрганишади. Машғулотларни С. М. Карицкая олиб боради.

Токарлик устахонасида машғулотларни мастер Х. Патлаков олиб боради.

Слесарлик цехи. Ишлаб чиқариш таълими мастери З. Мухсинов Соҳиб Эшонжоновга топшириқни тушутирмоқда. Ле Тхань Шон ва Шомурод Шотурсинов топшириқни «аъло»га уддалашмоқда.

А. КУДРЯШОВ фотолари.





Бу чиройли нимчаларни «Тўқини  
ўрганамиз» рубрикаси мухлислари ўз-  
лари тайёрлашлари мумкин.  
А. КУДРЯШОВ фотолари.

# ТЎҚИШ ДАРСИ

Бу номерда биз нимча модели ҳақида сўз юритамиз. Нимчанинг бу турини куз, қиш фаслларида ҳар қандай кийимлар комплекти билан бемалол кийиб юриш мумкин. Шунингдек, кичик размердаги нимчалар фарзандларимиз гардеробини тўлдирди, ранг-баранг қилади.

44—размердаги қисқартирилган нимча учун 400 грамм жун ип, № 3,5 спица, 10 сантиметрга 20 петля ҳисобида олинади. Нақш эса резинка нусха 1×1, яъни терс тўқилган юза сатҳида ўнг петлялик хошия билан безак берилади.

Андозага кўра нимчани тўқишни орқа елкадан бошлаймиз. Дастлаб резинка нусха 1×1 билан 20 сантиметр тўқилади. Сўнг полотно тўқилган орқанинг орқасини тўқишни кўйидагича давом эттирамиз.

1—қатор—10 терс, 1 ўнг, 10 терс, 1 ўнг;  
2—қатор—10 ўнг, 1 терс, 10 ўнг, 1 терс ва хоказо.

Андоза бўйича елкани тугаллаб (3-расм), тўқишни тўхтатмай олд томонга яъни тугма қадаладиган махсус безак планканинг дастлаб биринчисини, сўнг иккинчисини тўқишга ўтамиз. Планканинг кенгайиб бориши учун планка полотноси петлялари сонини орттириб бориш керак. Бу қўйидагича бажарилади: планка охирига томон тўқилаётган резинка нусхадан сўнг ўнг қаторда 1 петляда 2 петля ҳосил қилиб тўқилади. Планкани тўқиб бўлгач, ҳамма петлялар бир спицага йиғилади. Шунингдан кийин, планкалар устма уст тушади. Мана шу ерда петлялар қисқартирилгач, пастки томонини резинка нусха 1×1 тўқиб тугаллаймиз. Енларни қўшиб чиқсак бас, нимча тайёр.



## 44—46 размердаги солиниб турадиган нимча

Бунинг учун 450 грамм жун ип, № 4 спица, 10 сантиметрга 18 петля ҳисобида олинади. Нақш резинка нусха 1×1 бўлиб терс юза сатҳида бир-бири билан кесишиб


турадиган ўнг петля кўринишида бўлади. Нимчани олд томондан андоза бўйича тўқишни бошлаймиз (4-расм). Сўнг полотно бўйлаб солилма эни учун 10—15 петлядан орттириб борилади. Нақш андозаси 5-расмда кўрсатилгандек бўлади. Ипни узмасдан энди олдиндан орқа томонга ўтилади. Солиманинг катта кичиклигини хоҳишингизга кўра ўзингиз танлайсиз. Чунки бу ҳар кимнинг дидига боғлиқ. Баланд бўйли, қақди расо қизлар одатда каттароқ солимани танлаганлари маъқул. Чунки кичкина солима қомат кўркамлигини билантирмай кўяди. Бундай ҳажмдор кийимларни ёқтирмаганлар эса солимасиз—оддий қилиб тўқиб олишлари мумкин.

## БОЛАЛАР НИМЧАСИ (32—34 размер)



Бунинг учун оч кулранг махер ип 150 грамм, безак нақш учун бир озгина кўк, сариқ, оқ рангдаги иплар ва № 4 спица керак бўлади. Тўқиш: резинка нусха 1×1, пайпоқ ҳамда румол нусха кўринишида.



Спицага 150 та петля оламиз ва 5 сантиметр резинка нусха 1×1 тўқиймиз. Сўнг олд томонни тўқишга ўтамиз. 10 сантиметр пайпоқ нусха тўқигач, схемада кўрсатилган нақш бўйича тўқишни бошлаймиз (1-расм). Олд томон нақшини тўқиб тугатгач, қолганини андоза бўйича давом эттирамиз (2-расм). Елкаларни тўқиб тугаллаш учун олд томондан 20 та петляни беркитамиз. Ҳар бир елка алоҳида тўқиб тугатилади. Шунингдан кийин, бўйиндан то ҳар бир елка охиригача румол нусха нақш билан тўқилади. Иккала елка тайёр, энди орқани тўқишга ўтиш мумкин. Уни бошлашдан олдин дастлаб бир елкани, ўртада 20 та петля ҳосил қилиб, сўнг иккинчи елка петляларини умумий спицага ўтказамиз. Мана энди андоза бўйича нимчанинг орқасини тўқиймиз. Бунинг учун алоҳида андоза берилмаган бўлса-да, лекин олд томонга нисбатан тўқилиши жуда осон. Орқа томон охирини ҳам резинка нусха 1×1 тўқиш билан якунлаймиз. Ен чокларни бирлаштирамиз. Нимча тайёр.



•—хаво ранг  
x—оқ  
1—сариқ



1—ўнги  
— терсари  
X—ўрин  
алмашади  
X чапдан ўнғига  
ўнғидан чапга

ЕТТИ



Х. РАХМАТУЛЛАЕВ расм.















# КАШФИЁТЧИЛАР,

Қадрли ўқувчилар! Журналнинг ушбу сонидан эътиборан «Ихтиролар сандиги» рубрикаси очилди. Бу қандай сандиқ?

Маълумки, ҳаётнинг ҳар дақиқаси ҳар биримизга табиат сирларидан, янги-янги ихтиролардан шивирлаб туради. Бироқ, кўпинча турмушнинг шиддати билан чалғиб, уларни сезмай қоламиз ё унутиб юборамиз. Лекин улар турмушда, ишлаб чиқаришда бизга керак, жуда керак. Шундай экан, уларни илғаб олишимиз, илғаб олишга ҳаракат қилишимиз зарур. Бунда эса бизга «Ихтиролар сандиги» ёрдам беради.

Қайдай қилиб? Ҳаёлингизни банд этиб юрадиган, фақат сиз огоҳ бўлган янгиликлар, сизнинг назарингизда фойдали бўлган фикрларни ёзиб юборсангиз, «Еш куч» уларни оммалаштириб боради. Ажаб эмас, улар ичида олимлар ва мутахассисларнинг эътиборини қозониб, амалий ишга ундайдиган фикрлар, кашфиётлар учраб турса!

Бордию, ёзиб юборганларингиз аввалдан маълум ҳақиқат бўлса-чи? Қайғурманг, шунда ҳам уларнинг ўз қиммати бор ва журнал саҳифаларидан муносиб ўрни берилади.

«Сандиқ»қа ҳамма: олимлар ва мутахассислар ҳам, студентлар ва ўқувчилар ҳам «топган-тутган»ларини ташлаб туришлари мумкин. Сандиқнинг ичи ҳозирча бўм-бўш, қопқоғи ҳам ланг очик. Сизлардан фикрлар, ихтиролар кутамиз.

Қуйидаги мақола эса Сизларни ихтиролар оламига бошлайди, фикр-мулоҳаза юритишга ундайди, деб умид қиламиз.

## «Эврика!»

Умрида биринчи марта самолётда учиб, ерни томоша қилган одам ўзича кашфиёт қилиши мумкинми? Мумкин. Илк бор автомобиль ҳайдаган одам-чи? У ҳам шу вақтгача кўрмай, сезмай юрган нарсаларини кашф этади. Ҳеч бўлмаганда «Пиёдалар шунчалик беғам бўлишадими-а!» деб қўяди-ку.

Ҳаётда бундай мисоллар кўп топиллади. Умрингизда автобусга, троллейбусга ёки трамвайга қараб бирон марта ҳам югурмаган бўлсангиз, бир марта югуриб кўринг-чи. Теварақда ўзингизга маълум бўлмаган бирор нарсани сезиб қоласиз. Метро станциясидаги одамлар оқими орасида атайлаб секин юриб кўринг-чи...

Кунлардан бир кун донишманд мўйсафид чўмилиш мақсадида каттакон тоғарага сув тўлдирибди-да, ичига аста-секин тушибди. Тоғарадаги сув аста-секин кўтарилаверибди. Илгари донишманд сувнинг тўкилишига эътибор бермай, тоғарага тез тушиб оларкан. Чўмилишнинг роҳати унинг фикрларини чулғаб оларкан-да. Бу сафар синчковлиги тутиб, сув сатҳининг аста кўтарилаётганига диққат қилибди. Қараса, унинг кўтарилиши сувга ботаётган гавда ҳажмига боғлиқ экан.

Шу кўни донишманд чўмилишдан эмас, кашфиётдан баҳраманд бўлибди. Сувга қараб туриб, хаёлига келган фикрдан қувониб «Эврика!» (يونونча — «Топдим!») деб бақирганча югуриб кетибди ва... Ҳужрасига кириб, машҳур «Архимед қонуни»ни биринчи бор қозоғга туширибди.

Бу воқеа икки мингга яқин йилча илгари содир бўлган.

Қаранг-а, Архимед сувга бепарво, беғамлик билан шалошлаб тушиб, ётиб олганида бу қонунни топмаган ёки жуда кечикиб топган бўларди. Эҳтимол, Архимеддан бошқа одам топармиди? Ҳамма гап шундаки, Архимед ўша кўни одатдан ташқари секинлик билан сувга тушган ва миясининг бир чеккасини банд қилиб ётган саволга жавоб топган. Одатдагидан ташқари вазият шу вақтгача кўз илғамаетган қонуниятни кўришга имконият яратган.

Бошқа воқеаларга мурожаат қилайлик. Буюк инглиз физиги Исаак Ньютон боғда сайр қилиб юрган экан. Шубҳасиз, унинг хаёли қандайдир илмий муаммолар билан банд бўлган, чунки олим одам ҳеч қачон бекор юрмайди. Кутилмаганда Ньютоннинг бошига бир нима гурс этиб тушади. Бир зумга боши енгил гангиди, оёғи остига нимадир тўп этиб тушганини кўрди: бор-йўғи муштдеккина олма экан! Олим одам боши оғриганига парво қилмай

ўзига ўзи саволларни ёғдириб ташлайди: «Нега олма узлиб тушди? Қайси куч уни мажбур қилди? Негача у фақат пастга, Ер томонга тушди-ю, узилгандан сўнг осмонга чиқиб кетмади?»

Ньютоннинг хаёлида гужғон ўйнаган бу саволлар бутун дунё тортилиш қонунини кашф этишга олиб келди.

Яна гайриоддий шароит кашфиётга олиб келди. Тарихда бунга ўхшаш мисоллар жуда кўп.

Ҳар бир одам ўзи учун одатий бўлмаган шароитда албатта бир нарсга топади. Янгилик фақат ўзи учун бўлиши мумкин. Ҳеч ким кўрмаган, сезмаган янгилик бўлса, қани эди! Нима бўлгандаям яхши нарсаси у. Гоҳо ҳаёт оғир ва аччиқ бўлса-да, яшаш, янгилик яратиш билан ширин! Бир киши яратган янгилик лояқал бошқа бир одамга татиса, ҳаёт ундан ҳам ширин!

## Танянинг «кашфиёти»

Юқоридаги ҳикоядан «Янгилик, ихтиро, кашфиёт мутлақо тасодифан яратилар экан-да», деган хулоса чиқмаслиги керак. Ҳар бир одам ўз олдига қўйган муаммосига онгли равишда, сабр-тоқат билан интиласа ҳам шундай натижаларга эришиши муқаррар...

Бу — ўнинчи синф ўқувчиси Таня учунгина кашфиёт эди. Уни жуда қийинчилик билан топди. Бош миянинг жуда кам учрайдиган фаолияти бу кашфиётни яратди. Воқеа мана бундай бўлган эди...

Математика ўқитувчиси ўқувчиларнинг топқирлигини синаш мақсадида унча қийин бўлмаган, лекин одатдагидан бошқачароқ мисолни доскага ёзди ва деди:


— Уйга вазифа. Анча мураккаб мисол, лекин озги-

на мулоҳаза қилсанглар, ишлай оласизлар. Чорак баҳоларингизни тузатиб олишингиз мумкин.

Синфда Танядан бошқа яна учта аълочи бор. Ўқитувчининг умиди биринчи галда шулардан эди. Таня уйига келди-ю, апил-тапил тушлик қилиб, мисолга уннаб кетди. Ишлолмади. Яна бир соатча бош қотирди. Бўлмади. Қўлимдан келмади, дейиш Таня учун оғир эди. Айниқса, тўртта аълочи ўртасидаги ички рақобат бу андишани баттар кучайтирарди. «Бошқалар мисолнинг ечимини топиб келса-чи?» деган фикр Танянинг юрагини баттар ловиллатарди. Йўқ, Таня ҳеч қачон рақиблари билан сан-манга бормаган, аксинча кези келганда маслаҳатлашиб туради. Улар ўртасидаги рақобат соғлом эди. Шунинг учун ҳам Таня рақибларидан бирига телефон қилди. Аксига олиб, у ҳам ишлолмабди. Бир пас маслаҳат қилишди. Ечим топилмади. Тез орада тўрттала аълочи бир-бири билан телефон алоқаси ўрнатилди. Мисолни ҳеч ким ишлолмаган. Энди, улар ўртасида телефон орқали маслаҳат авж олиб кетди. Жумбоқ ҳал бўлмади. Аълочилар, ҳатто «Ўқитувчимиз бизни синаб кўриш мақсадида атайлаб ишлаб бўлмайдиган мисол берганлар», деган хаёлга боришди.

Кун кеч бўлди. Ҳеч бир натижа чиқара олмай, Таня ухлаб қолди. Муаммага қаттиқ берилган мия уйқуда ҳам ишлайверди...

Ана, ўқитувчи Таняни доскага чақирди. «Ишлолмадим», деди Таня аранг. «Сендан умидим катта эди», деди ўқитувчи кўзларини катта-катта очиб. Танянинг кўз олдига думи гажак «2» келдию сесканиб кетди. Чорак баҳолари ичида математикадан «4» баҳо турганини кўриб, юраги эзилди. Бир синф бола Таняга тикилиб турарди, айниқса, рақиблари уни мазах қилаётгандек туюлди. Энди нима деган одам бўлди, у? Бахтига мисолни синфда ҳеч ким ишламабди. Шу-





Бутун кишилик тараққийида вужудга келтирилган маданиятни аниқ билиш, уни қайтадан ишлаш орқасидагина пролетар маданиятини қуриш мумкин эканлигини очик-равшан англамасдан туриб — ана шундай англамасдан туриб — бу вазифани ҳал қила олмаймиз... Пролетар маданияти инсониятнинг капиталистик жамият, по-

мешчиклар жамияти, амалдорлар жамияти зулми остида яратган билим запасларининг қонуний тараққийидан иборат бўлмоғи лозим... Инсоният яратган барча бойликларни билиб, ўз онгини бойитган тақдирдагина коммунист бўлиш мумкин.

В. И. ЛЕНИН.

«Ешлар союзларининг вазифалари» дан



# حمد انكا كيم واجب بالذات ايروور حامد اننك ذاتيغه ذرات ايروور

Навоийнинг «Ҳайрату-л-аброр»<sup>1</sup> номли достонининг биринчи боби ана шу байт билан бошланади. Эски ўзбек ёзувида битилган бу байтни ҳозир кўпчилигини ўқийёлмайсиз. Уни ўқиб тушуниш учун, биринчидан ёзувни, иккинчидан тилни, учинчидан мантиқни, тўртинчидан мавжуд фалсафий фикрларни билиш керак. Вугина эмас. Байтнинг мазмуни шоирона шаклда ифодаланган. Шунинг учун ундан тўлиқ баҳра олиш учун санъат қонунлари, бадиий воситалар ва шеър қоидаларидан хабардор бўлмоқ зарур.

Илм йўлидаги биринчи қадам саводдан бошланади. Визнинг ёзма меросимиз асосан Урхун, уйгур, араб, лотин ва рус ёзувларида ёзилган. Мана шу ёзувларни билмасак, ёзма меросимизни мукамал ўрганолмаймиз. Бинобарин ҳар бир суҳбатни савод сабоғи билан бошлаб, матн мазмунига оид масалалар билан давом эттирамиз. Саводни ёзувларни қиёслаб ўрганиш йўли билан чиқарамиз. Бу ҳолда бугунги рус ёзувига асосланган янги ёзувимизнинг нақадар мукамаллиги ҳамда унинг қадимги ва эски ёзувларимизга нисбатан афзаллиги ҳам яққол кўринади. Ҳам янгисини, ҳам эскисини яхши билган киши керак бўлганда янгисининг афзаллигини асосли қилиб исботлаб беришга ва илм билан яхши қуролланган чет эллик рақибларни мағлуб этишга қодир бўлади. Вундай илмий қудрат эса жамиятимизни қайта қуришда фаол иштирок қилиши керак бўлган ёш кучларимиз учун зарурий шарҳлардандир.

Ушбу биринчи мажлисимизнинг биринчи, яъни савод бўлимида «а» товушининг мазкур ёзувларда қайси ҳарфлар билан қандай ифодаланишини билиб оламиз, сўнгра юқоридаги байтни ўқиб, унинг мазмуни билан танишамиз.

Ҳозирги ўзбек адабий тилига хос «а» товуши лотин ёзувида асосланган ёзувимизда икки ҳарф «а» ва «Ә» ҳарфлари билан ифодаланар эди. Бу ёзувда «о» товуши учун махсус ҳарф йўқ эди. Шунинг учун лотинча «а» ҳозирги «о» ҳарфи ўрнида ҳам ишлатилган. Шунга биноан «она» сўзи «ана» шаклида «ана» сўзи эса «әна» шаклида ёзилган.

Ундан чапга қараб ёзиладиган эски ёзувимизда «а» товуши «алиф» деб аталган ҳарф ва ҳарф устига қўйиладиган шаклидаги «Фатҳа» ёки «забар» ёхуд «устун» деб аталадиган белги билан ифодаланади. Аммо алиф

«о» товушини ифодалаш учун ҳам қўлланади. Забар ва бошқа ҳарф устига ва остига қўйиладиган белгилар «ҳаракат» деб аталади ва улар кўпинча ёзувда тушириб қолдирилади. Алиф мана шундай шаклга эга: | Сўз бошидаги «а» товушини аниқ ифодалаш керак бўлганда унинг устига забар қўйиб

шаклида ифодаланади. Сўз бошидаги «о» ни ифодалаш учун эса алиф устига «мадд» деб аталган белги | тарзда қўйилади. Сўз охиридаги «а» товуши алифдан ташқари яна 8 шаклига эга бўлган «ҳе» ҳарфи билан ҳам ифодаланади. Аммо «ҳе» ҳарфининг асосий вазифаси «ҳ» товушини билдиришидир.

Уйгур ёзуви ҳам ўндан чапга қараб ёзилади. Аммо бу ёзувдаги ҳарфлар араб ҳарфларидан шаклан фарқ қилади. Уйгурча алиф шаклига эга ва товуш билдириш нуқтаи назаридан лотинча «а» ва «ә» ҳарфларига ҳамда ҳозирги ёзувимиздаги «о» ҳарфига тенгдир. Сўз бошида «а», жумладан «о» ни ифодалаш учун 2 тарзида икки алиф қўлланади ва бу қисман арабча маддли алифга тўғри келади. Аслида маддли алиф ҳам икки алифга тенг бўлиб, қадимги текстларда 3 шаклида ёзилган ва кейинчалик алифларнинг бирини иккинчисининг устига олиб мадд ҳосил қилинган.

Ибн Арабшоҳ дулбаржин (дулбарчин) деб атаган урхун ёзуви юқоридан пастга ва ўндан чапга қараб ёзилади. Бу ёзувининг ҳарфлари араб ва уйгур ёзувларидан ҳам шаклан, ҳам усулан фарқ қилади. Араб ва уйгур ҳарфлари қўшиб ёзилади ва ҳар бир ҳарф турли шакллarga эга. Урхун ҳарфи қўшма шакллarga эга эмас. Урхун ёзувидаги «а» ҳарфи 4 шаклига эга бўлиб, товуш билдириш жиҳатидан уйгур ёзувидаги алиф кабиدير. Аммо урхун «а» си асосан сўз боши ва ўртасида ишлатилмай сўз охиридагина қўлланади.

Энди «она» сўзини мазкур ёзувларда ёзиб кўрайлик. Ҳозирги ёзувимизда уч ҳарф билан ёзилган бу сўз лотинчада ҳам «а» ва «п» ҳарфлари билан ана деб ёзилади. Араб ёзувида алиф ва нун ҳарфлари билан 5 шаклида ёзилади. Иккинчи алиф нунга 6 га қўшиб ёзилади.

Уйгур ёзувида ҳам бу сўз алиф ва на ҳарфлари билан 7 тарзида ёзилади. Сўз бошида икки алиф, ундан сўнг на ҳарфи 8,

охирида ҳам алиф келган. Сўз охиридаги алифга тугалловчи элемент 9 қўшилган. Бу элемент юқорида ёки қуйига қараб тортилиши ҳам мумкин. Демак сўз охиридаги алиф 10 шаклларига эга бўлиши мумкин экан. Чунки бунинг асосий, ўзгармас ва товуш билдирадиган қисми унинг тиш 11 қисмидир. Бунинг устига бир нуқта қўйилса у на ҳарфига айланади ва «н» товушини билдиради. Лекин на ҳарфини нуқтасиз ёзиш ҳоллари ҳам кўп учрайди.

Урхун ёзувида мазкур сўз «ан» ва «а» ҳарфлари билан 12 тарзида ёзилади.

Бунда сўз бошидаги унли алоҳида ҳарф билан ифодаланмаган, лекин сўз охиридаги «а» 13 ҳарфи билан ифодаланган. Бу фақат урхун ёзувида хос хусусиятдир. Бунинг тарихий сабаблари бор. Аммо бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз. Ҳозирча биз 14 ҳарфининг «н» ва «ан» деб ўқилишини билсак, бўлди. Энди «ана» сўзининг ёзилишини кўрайлик. Лотинчаси — 15; арабчаси — 16; уйгурчаси — 17; урхунчаси — 18.

«Она»дан «ана»нинг ёзувидаги фарқи қуйидагиларда содир бўлади. Лотинчасида «а» ҳарфи ўрнида 19 ҳарфи ишлатилади. Арабчасида алиф устига мадд эмас, забар қўйилади. Уйгурчасида сўз бошида икки алиф эмас, бир алиф қўлланади. Урхунчасида «ан» ҳарфи ўрнида алоҳида 20 шаклига эга бўлган «ән» ҳарфи истеъмол қилинди. Урхун ёзувидаги «ан» ҳарфи қалин (қаттиқ) «н» товушини ёки «ан» бирикмасини, «ән» ҳарфи эса ингичка (юмшоқ) «н» товушини ёки «ән» бирикмасини билдиради. Қалин-ингичкаликни англаш учун шундай мисол келтириш мумкин: «нон» деганда «н» қалин ва «ин» деганда ингичка айтилади. Биринчи ҳолда тилнинг орқа қисми қаттиқ танглайга кўпроқ кўтарилади.

Саводхонликни шу ерда тўхтатиб, энди байтнинг ўқилиши ва шарҳига ўтайлик. Байтнинг биринчи сўзи «ҳамд» деб ёзилган. Буни «ҳамд» деб ўқиймиз, иккинчи сўз «анка» деб ёзилган, бунисини «анга» деб ўқиймиз, учинчиси «ким» деб ёзилган. Шундай ўқиймиз. Тўртинчиси «вожб» деб ёзилган, «вожиби» деб ўқиймиз. Ундан кейинги мисра охиридаги сўз «биалзот» деб ёзилган, буни «биззот» деб ўқиймиз. Иккинчи мисрадаги сўзларнинг ёзилиши ва ўқилиши қуйидагича: ҳомд — ҳомид; онинк — анинг; зотиға — зотиға; заррот — заррот; эрур — эрур; Демак байт қуйидагича экан:

Ҳамд анаким, вожиб-и биззот эрур,

Ҳомид анинг зотиға заррот эрур.

«Ҳайрату-л-аброр» сариъ баҳри<sup>2</sup> муфтаилун муфтаилун фоилун ёки тан-на-на-нан тан-на-на-нан тан-на-нан вазнида ёзилган. Биринчи ва иккинчи рукнларнинг биринчи ва тўртинчи ҳижолари чўзиқ, иккинчи ва учинчи ҳижолари қисқаидир. Учунчи рукн уч ҳижоли бўлиб, биринчи ва учинчи ҳижолари чўзиқ, ўртадаги иккинчи ҳижо қисқаидир.







# ТАЛАБЛАРГА БИНОАН!

Ўзбек халқ чолғу асбоблари Москвадаги кўр-газмадан ҳам жой олган. Демокриманки, чолғучилик борасида нимаики ютуғим бўлса уларнинг барчасида ҳурматли Устамизнинг ҳиссалари бор.

Магазиндаги ғижжаклар хусусида устоз Обид аканинг ҳам фикрларини билиш учун гап очганимизда, у киши: «Э, ҳа, магазиндаги ғижжак шаклидаги ёғочларни гапиряписизми, — деб бошларини қаттиқ чайқаб қўйдилар. — Улар ҳеч нарсага ярамайди. Уни яроқли қолга келтириш учун сотиб олган одам яна шунча пул сарф қилиши керак. Бундан ташқари, ғижжакнинг фақат дастасигина сотилади, камони, конифоли йўқ.

Нима учун скрипкани камони, ғилофи — ҳаммаси бирга сотилади-ю, ғижжакники эса йўқ?! Хуллас, мана шулар ҳақида ҳам ўйлаб кўрадиган вақт келди. Бу ижрочилар билан бирга тингловчиларнинг тафаккур ва талқин доирасининг бойишига, халқ чолғуларини янада оммалаштиришга ёрдам берар эди».

...Шухрат Йўлдошев репертуаридан жаҳон халқлари куйларининг 500 дан ортиқ тури ўрин олган. Унинг ижросида ёзиб олинган 4 та граммпластинкада ўзбек халқ куйлари, Икром Акбаровнинг «Алла»си, озарбайжон композитори Одиб Герайнинг «Бахчакурт»

асари, В. Монтининг «Чардиш куйи», А. Хачатурян асарлари ўрин олган.

Маҳоратли чолғучи атоқли ўзбек революционер шоир ва бастакори Ҳамзанинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб суратга олинган кўп серияли «Оловли йўллар» бадий фильмида устознинг шоғирди ғижжакчи Қодир ролини ижро этди. Фильмдаги барча ғижжак куйларини Шухрат Йўлдошев чалиб берди.

...Юракларни ўртаб, қалбнинг энг нозик торларига камон тортиб бир наво янграмоқда — Шухрат Йўлдошев ғижжаги нола чекмоқда...

Захро АЗИЗОВА

Таниқли эстрада хонандалари: Мирей Матье куйлайдиган «Чао, бамбино», Жо Дасеннинг «Бабье лето» ва ҳатто Челентано ижро этадиган машҳур «Солли»нинг автори ким эканлигини биласизми? Тото Кутуньо!

Жаҳон эстрада санъати саҳнасида мухлислар назаридан қолмай узоқ вақт давр суриш камдан-кам санъат фидойиларига насиб этади. Тезпишар модалар қурбони бўлмаслик учун санъаткордан катта истеъдод талаб қилинади. Тото Кутуньо ана шундай ўзига хос «юлдуз»лардан экани эндиликда сир бўлмай қолди.

Тото Кутуньо 1944 йил 7 июлда Италиянинг Жанубида туғилди. Ота-онасининг асосий тирикчилиги музика билан эди. Онаси Саранна қовоқхонада қўшиқ айтарди, отаси Доменико труба чаларди.

Тото ўзининг илк қўшиғини 16 ёшида ёзди. Ушандан буён 28 йил ўтди. Ҳозирги кунда унинг қўшиқлари 250 дан ошиб кетди. Уларни эстрада шинавандалари яхши билишади ва Кутуньо қўшиқлари энг машҳур хонандалар томонидан севиб куйланмоқда.

Сан-Ремода бўлиб ўтган XXXVII фестивалда еттита энг яхши қўшиқдан тўрттаси Кутуньоникиси эди. Бу фестивалда у Джанни Моранди, Энрико Руджери ва Умберто Тоцци триосидан кейин иккинчи ўринни эгаллади.

Тото Кутуньо биринчи марта саҳнага 1980 йил Сан-Ремода чиқди. Қўшиқ «Фақат сен» деб аталар, унга Тотонинг ўзи куй басталаган эди. Қўшиқ юксак маҳорат билан ижро этилди. Муваффақиятли дебют, биринчи ўрин! Шундан сўнг танқидчи-ю журналистлар шошиб қолишди. Ахир уларда янги юлдуз ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ эди-да. «Наҳотки, музикаси, шеъри ўзиники бўлса? Кўпдан бери ёзاديمи?» сингари саволлар кўпчиликини қизиқтириб қолди. Хуллас, Тото ҳақида маълумот тўплашгунича унинг янги ва янги қўшиқлари эстрада мухлисларининг тилига тушаверди.

Сан-Ремодаги муваффақият сурурини тотиш учун Тото янги қўшиқларни айтмай туриши ҳам мумкин эди. Лекин у бундай қилмади, шухрат ортидан қувмай қўшиқларини сахийлик билан тарқатаверди.

Гастроль сафарларидан эса Кутуньо оламолам таассуротлар билан қайтарди. Бу эса янги-янги қўшиқлар яратилишида муҳим роль ўйнади.

Тото Кутуньо бир кун Торонтода италиялик муҳожирларга концерт бераётган шундай деди: «Мен сизлар ҳақингизда, Ватандан узоқда юрган, аммо италиялар қалбини сақлаб қолган кишилар ҳақида қўшиқ яратишни истайман. Агар шундай қўшиқ ярата олсам, Сан-Ремога бориб, сизларга атаб куйлайман!» У ўз ваъдасининг устидан чиқди. 1983 йил қўшиқ ёзилди ва у биринчи марта Сан-Ремода янгради. Навбатдаги фестиваль анъанага кўра «Аристон» театрида ўтарди. Зал ҳар сафаргидек лиқ тўлган. Билет баҳоси кассада — 500 минг лир (250 сўмга яқин),

чайқовчилар қўлида эса — 2 миллиондан ошиб кетган. Италия ўша кунлари фақат фестиваль оғушида яшаётган эди. Ҳатто машҳур «Ла Скала» театри ўз спектакллари намойиш вақтини ўзгартирганди. Агар театр залига минглаб мухлислар кирган бўлса, телевизор қаршисида миллионлаб шинавандалар илҳақ эдилар. Ниҳоят, Кутуньо саҳнага чиқади.

Кутуньо ўзининг «Италиялик» номли қўшиғида барча ватандошларига: «Аристон» партеридан савлат тўкиб ўтирганларга, узоқ вақтларда кичик экран қаршисида тўпланганларга, римликларга, муҳожирларга, тирикчилик учун денгиз ортига жўнаб кетганларга мурожаат қилади. У ўз юрти, одамлари ҳақида, италиялик бўлганидан фахрланиб, «Салом сенга Италия!» дея дил изҳорини қилади.

Қўшиқ тугаши ҳамано гулдирок қарсақлар зални ларзага келтирди. Матбуот саҳифалари янги қўшиқчига катта ўрин ажратади. Шу тариқа Италия эстрадасида яна бир «ҳақиқий италиялик» пайдо бўлди. Тото Кутуньо Челентанодан ҳам машҳур бўлиб кетган эди. Унинг шон-шухрат чўққисига чиқиш даври «Италиялик»нинг халқаро саҳнада оммавийлашиш вақтига тўғри келди. Бу қўшиғига матбуот саҳифаларида жуда юксак баҳо берилди. 1983 йили Челентанонинг номи машҳур, бунда Тото Кутуньонинг

ҳиссаси катта эди. Челентанодан ижрочилик маҳорати, қўшиқ, куй — Тотоникиси эди.

Тото Кутуньо шундай дейди:

— Ҳозир италиянча қўшиқ ёзаётганлар жуда оз. Мен шулардан бириман ва бу билан фахрланаман. Бизда Америка, Англия музикалари яхшими-ёмонми — қабул қилинаверди. Бу эса ёшлар тарбиясига яхши таъсир кўрсатмайди. Улар яхши қўшиқни ёмон қўшиқдан ажратолмай қолишади.

Мен табиатан тортинчоқроқман. Лекин кишилар билан суҳбатлашишни яхши кўраман. Одамларнинг ўзаро муносабатларини кўриб ҳаяжонланаман. Шундан туғилган ҳис-туйғуларимни қўшиққа айлантиргим келади. Одамлардаги эҳтиросларни бамисоли шарбатдай тўплайман ва фортепиано ёнига ўтириб ижод қиламан.

Тото Кутуньонинг баъзи мухлислари ундан замонавий рок ва поп-музикалар кутишади. У эса Италия миллий эстрадаси камолоти йўлида кўпроқ қайғуради. Жумладан «Уйланиш» деб аталган қўшиғида италия миллий эстрадасига қизиқиш сусайиб бораётгани армон билан куйланади.

— Мен, — дейди Тото, — италиян оҳанглари шайдосиман. Мен ўзимни қизиқтирмаган, мени жалб этмаган қўшиқларни ижро этмайман. Менинг ўз музика йўлим бор, бу билан фахрланаман! Тақлид қилмаслигимдан фахрланаман!

Тото  
Кутуньо





# КЕСИЛГАН ҚУЛОҚ

Узоқ уринишлардан сўнг ниҳоят бир ҳажвиям матбуот юзини кўрди. Ҳажвия сартарошлар тўғрисида. Унда бир уста гап билан бўлиб қулогимни сал бўлмаса яримта қилиб қўяёзгани ҳақида эди. Киоскага бора солиб ўша газетадан бир ўрамини олиб келиб, яхши кайфият билан ишлаб ўтирган эдим, бир маҳал бошлигимиз йўқлаётганини айтиб қолишди.

Ийманиб у кишининг ҳузурига кирдим.

— Яшанг, табриклаймиз, — деди у. — Коллективимизда шундай таллантлар бор экан-у, биз беҳабар эканмиз... Ҳм... Унча ёмон кесмаганмиди?

Ҳайрон бўлиб сўрадим:

— Нимани?  
— Қулогингизни-да, — деди бошлиқ менга тикилиб.

Бу ҳажвия эканлигини эҳтиёткорлик билан тушунтириб, хонасидан чиқдим.

Уйга келсам аптекачи қўшним ўтирган экан. «Бормисиз, қўшни, қулоқ тузукми? Ҳикоянгизни ўқидим-у, мана бу мазни ола солиб югурдим. Бахтингизга бир дона қолган экан. Импортнийсидан. Суртсангиз, жароҳатни кўрмагандек бўлиб кетасиз», дея бир қутича бериб, чиқиб кетди.

Кечки овқатни энди еб бўлгандики, етмишга кирган аммам ҳаллослаб келиб қолди.

— Қўлгинанг сингур кўзига қараса бўлмасмиди?

Курортдан қайтганимда ҳам юзимни ўпиб кўришмаган аммам мени кучоқлаб олганича қайсидир сартарошнинг гўрига икки қатор қилиб гишт қаларди.

Кейин кетма-кет сўрашиб, ҳамдардлик билдира бошлашди.

Уф, энди дам олиш куни йиғилишиб мени йўқлаб келишлари турган гап. Яна зиёфат...

Шу кундан бошлаб ким билан учрашсам ёки саломлашгудек бўлсам, улар нимагадир юзимга эмас, қулоқ-

ларимга тикиладиган одат чиқаришди. Мен ҳам кимга яқинлашсам ҳажвия деган нарсанинг нима эканлиги тўғрисида лекция ўқийдиган бўлиб қолдим. Дўстларим телефон қилишгудек бўлишса ҳам, телефон трубкасига эҳтиёт бўл, қулогингга тегиб кетмасин деб ҳазиллашадиган бўлишди.

Бир куни сочим ўсиб сартарошхонага кирдим. Соч олаётган уста менга шубҳали тикилиб: «Ўтган сафар сочни кимга олдирувдингиз, ёзувчи ака?» деб сўраб қолди.

— Нима қилувди? — дедим юрагимни ҳовучлаб.

— Сиз ёзган пелитун бўйича идорамизда уч соат мажлис бўлди. Қулоқ кесганлигини ҳеч ким бўйнига олмади. Унақамас-да, ака, бировнинг устидан ёзгандан кейин, устанинг исми-фамилиясини, қайси сартарошхоналигини аниқ кўрсатиб ёзмайсизми?

Қаттиқ қулиб юборган эдим, уста чўчиб кетиб, қулогимни қиттак кесиб олди.

Ваҳоб МАМАДАЛИЕВ,  
Иштихон райони.

# ФАЛСАФИЙ ҲАЗИЛЛАР— ҲАЗИЛ ФАЛСАФАЛАР

Бўзгигача асалга ботириб қўйилган қошиқнинг азобини тасаввур қилинг.

\* \* \*

Тулкининг алдовига «гақ!» деб оғиз очадиган лақмалар ҳозир ҳам учрармикан?

\* \* \*

Балиқ терлайдими?

\* \* \*

Тўтиқушлар одамлар пайдо бўлишидан илгари ҳам гапиришганми?

\* \* \*

Баъзилар беозорлиги билан одамни хуноб қилиб юборади.

\* \* \*

Хайрият, «Ер юмалок!» қабиладаги хитоб учун одамни ўтга ташлайдиган замонлар ўтиб кетди.

\* \* \*

Алдоқчилик инсонни бошқа барча мавжудотлардан ажратиб туради.

\* \* \*

Шўрва ичаётганингни ташқаридан эшитганлар юзини юяпти деб ўйламасин тагин.

Х. ДУСТМУРОДОВ,  
Тошкент.

## ЯНГИ ЙИЛ

## ИНТЕРВЬЮЛАРИ

**Рустам Ҳангома Намонгоний:** Янги йил байрамига жон-жаҳдим билан тайёргарлик кўриб, кулгисеварларни полядаги тарвузлардек ҳар тарафга юмалантириб ташламоқчи бўлувдим. Ҳай даригки, шодиёна арафасида таъбим бирдан тирриқ бўлди. Суюкли устозимиз Муҳиддин кизик устидан Қўконда тергов ишлари бошлангани ҳақида ваҳимали хабар тарқалди. Эшитишимча, Муҳиддин кизик қайсидир даврада одамларни ортикча қулдириб юбориб, йитирма беш кишининг жағи чиқишига, ўттиз уч кишининг жағи узилишига, эллика яқин кишининг оғзи йиртилишига сабабчи бўлган эмиш. Кўрииб турибдики, мазкур вазиятда хушчақчақ бўлиш устознинг юзига оёқ қўйиш билан баробар.

Ҳе, афсус! Ҳе, аттанг! Кечагинаям тўйган тўқликдек диринглаб, янги куёвдек хиринглаб юрувдим-а...

**Муҳиддин Қизик Қўқандий:** Ҳамдардлик билдиришни бас қилинг, ларим ука, кайфиятим варрак, ишгирок қилиб кўярман, бемалол «хо-хо»лаб юраверсин, қандини ураверсин.

Тергов органлари ишни синчиклаб ўрганишиб, менда ҳеч қандай гуноҳ йўқлигини исботлаб беришди. Жағи чиққанлар исботлаб берилди. Жағи на ашула айта оладиган вақат отарчилар экан. Улар микрофонсиз отарловчилар конкурсида қатнашиб, шу аҳволга тушибди. Ичаги унланганларинг ҳаммаси ташмачи бўлиб, ўз-у-бу нарса ўғирлаб, девордан сакраб тушишаётганда ички органларини расволаштиришгани аниқланди. Оган йиртилганларнинг аксарият қисми анча обрўли одамлар бўлиб, ашаддий порахўрлар экан. Менда айб нима, оғизларига сикқанини ейишсан-да... Хуллас, ҳамон ишларим миҳ, дунё ҳалиям ўшандай қизик.

**Мирза Хандон Тошкандий:** Жаҳон капитализмига бир сирни ошкор қилмоқчиман — одамларни ишла-тишдан кўра қулдириш анча қулай ва арзон. Арзонлиги шундаки, гўсхўр бандалар текингам кулаверади. Қулайлиги шундаки, ҳеч ким қулиб чарчадим демайди, отпуск сўрамайди, прогудчилик ва бюллетенни пеш қилишлар кескин қамаяди, кеч келиб эрта кетишлар эса бутунлай барҳам топади.

Ўзимиздаги ички аҳволга ўтсак, илгаритдан қулиб юрганлар бу йил ҳам бўш келишмайди, бунга ишончим комил. Орузим бултурги йил қулиш-ни ўлаштириб улгурмаган тажангларни янги йилнинг биринчи ярмида жажлдан тушириб сўлжайтиришга, иккинчи ярмида эса ёрилган анордек илжайтиришга эришишдир.

**Ҳожи Қаҳқаж Хўжандий:** Кулги сайллари бизнинг Ленинободда жуда гаройиб ўтади. Гаройиблиги шундаки, кизикчиси тожик бўлса, томошанин бин ўзбек, аскиячиси ўзбек бўлса, кулувчилар тожик. Худди мана шу шароит элга таникли бўлиб олишим-да қўл келди. Чунки мен иккала тил-ниям чала-ярим биламан, энг муҳими — гапираётганимда уларни ара-лаштириб, айрон қилвораман. Тушунган тушунгани учун, тушунмаганлар тушунмаганини сездирмаслик учун кулаверади.

Умуман, азал-азалдан кизикчининг тақдирини шу — масҳара қилаётиб гап-нинг ярмини айтади холос, қолганини одамлар ўзлари фаҳмлаб олишади... Соли навингиз кутлуг бўлмай, биродарони кулгибозлар!



Сизнинг сеvimли математика саҳифангизда янги — «Дарслигингизга қўшимча» рубрикасини очдик. Бу рубрика остида бериладиган материалларда таълик олимлар Сиз билан машғулот ўтказди, билимингизни чуқурлаштиришга ёрдам беради.

2<sup>1</sup> нимага тенглигини биласизми?  
Ўрта мактаб программасида а сонини комплекс  $z = x + iy$  даражага кўтариш, яъни комплекс аргументли кўрсаткичли  $a^z$  функциясини ўрганиш кўзда тутилмаган.

Бундай функциялар олий математика курсида урганилиб, унинг қатор қизиқарли хусусиятлари, айниқса, тригонометрик функциялар билан алоқаси муҳим аҳамиятга эгадир. Биз бу машғулотида  $a^z$  функциясини энг содда ҳол  $a = e$  учун ўрганамиз. Ихтиёрий а асос учун  $a^z$  функциясини ўрганиш  $a = e^{\log_e a}$  тенгликдан л асослик функцияга келтирилади.

Машғулот кетма-кетликлар ва уларнинг лимитлари тўғрисида энг оддий маълумотларга эга бўлган, ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, биз уни е — сони (натурал асос)ни киритиш, комплекс сонлар устидаги энг асосий тушунчаларни бериш билан бошлаймиз.

1.  $e$  — сони.  $U_n = \left(1 + \frac{1}{n}\right)^{n+1}$  кетма-кетликни қарайлик,  $n$  сони 1, 2, 3, 4, 5 ... қийматларни қабул қилганда

$$U_1 = 2^2 = 4$$

$$U_2 = \left(\frac{3}{2}\right)^3 = 3,375,$$

$$U_5 = \left(\frac{6}{5}\right)^6 = 2,985984,$$

## ЯНА СЕХРЛИ КВАДРАТЛАР ҲАҚИДА

Хўш, дўстларим, сеҳрли квадратлар сизни ўзига сеҳрлаб олдими? Жуда соз, жуда соз.

Сеҳрли квадратларни тузишда математиклар фақат натурал сонлардан эмас, балки бутун туб сонлардан иборат қилиб тузишга ҳам ҳаракат қилганлар.

Масалан:

569	59	449
239	359	479
269	659	149

Барча диагональ, йўл ва устунлар бўйича йиғинди 1077 га тенг.

Совет математиги В. А. Голубев абсолют қиймати туб сонлардан иборат бўлган сонлардан тузган «сеҳрли» квадратлардан айримларини келтира-миз:

-7	53	-31
-19	5	29
41	-43	17

$$S = -7 + 5 + 17 = -31 + 5 + 41 = -7 + 53 - 31 = 15.$$

Туб сонлардан тузилган шундай тўққиз элементли «сеҳрли» квадрат мавжудки, уларнинг элементлари, биринчи ҳади  $a_1 = 199$  га ва айирмаси  $d = 210$  га тенг бўлган арифметик прогрессияни ташкил қилади.

829	1879	409
619	1039	1459
1669	199	1249

Ҳамма тегишли йиғиндилар 3117 га тенг.

кетма-кетлиги ҳосил бўлади. Бу кетма-кетлик монотон камаювчидир. Ҳақиқатан ҳам ушбу

$$\frac{U_n}{U_{n+1}} = \frac{\left(1 + \frac{1}{n}\right)^{n+1}}{\left(1 + \frac{1}{n+1}\right)^{n+2}} = \left(\frac{1 + \frac{1}{n}}{1 + \frac{1}{n+1}}\right)^{n+2}$$

$$\cdot \frac{1}{1 + \frac{1}{n}} = \left(1 + \frac{1}{n(n+2)}\right)^{n+2} \cdot \frac{n}{n+1}$$

тенгликда

$$\left(1 + \frac{1}{n(n+2)}\right)^{n+2} \geq 1 + \frac{1}{n(n+2)} \cdot (n+2) = 1 + \frac{1}{n}$$

дир (Индукция методидан фойдаланиб, Бернулли тенгсизлиги  $(1+a)^n \geq 1+a \cdot n$ ,  $a > -1$  исботлансин). Натижада биз

$$\frac{U_n}{U_{n+1}} > \left(1 + \frac{1}{n}\right) \cdot \frac{n}{n+1} = 1 \text{ шартга эга}$$

булиб, бу эса  $U_n$  кетма-кетлигини монотон камаювчилигини кўрсатади:

$$U_1 \geq U_2 \geq U_3 \geq \dots$$

Монотон камаювчи, мусбат кетма-кетлик лимитга эга бўлганлигидан  $U_n$  кетма-кетликни лимити мавжуд ва бу лимит  $e$  билан белгиланади:

$$e = \lim_{n \rightarrow \infty} \left(1 + \frac{1}{n}\right)^{n+1} = \lim_{n \rightarrow \infty} \left(1 + \frac{1}{n}\right)^n \quad (1)$$

$e$  сони иррациональ сондир; у ҳеч қанақа  $\frac{p}{q}$  каср сифатида ифодаланмайди.

Унинг ўнли касрдаги ифодасининг биринчи рақамлари 2, 718281... кўринишидадир. Асоси  $e$  га тенг бўлган логарифм  $\log_e x$  натурал логарифм дейилади ва  $\ln x$  тарзида белгиланади.

Азимбой САЪДУЛЛАЕВ,

физика-математика фанлари доктори, профессор.



## Ёш математикларнинг сиртки олимпиадаси

### V тур

1. Стол устида чиғаноқ (шиллик қурт) ўзгармас тезлик билан ҳаракат қилмоқда. У ҳар 15 минутда 90 градусга бурилади ва бурилишлар орасида тўғри чизиқ бўйича ҳаракат қилади. Унинг жойига қайтиб келиши учун бутун соат сарф бўлишини исботланг.

2. Шахматчилар турнирида жами 55 партия ўйнади. Мусобақа якунига етмасдан икки ўйинчи чиқиб кетди, улардан бири 10 партия, иккинчиси эса бир партия ўйнаган эди. Бу шахматчилар ўзаро учрашганмиди?

3. Ҳеч қандай  $a, b, c$  ҳақиқий сонлар учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги учта тенгсизликлар бажарилмаслигини исботланг:

$$|a| < |b-c|, |b| < |c-a|, |c| < |a-b|$$

4. Битта доира ичига ўзаро ўхшаш, лекин тенг бўлмаган учбурчаклар чизиш мумкинми?

5. Фазода ихтиёрий иккитаси перпендикуляр бўлган тўртта учрашмас (айқаш) тўри чизиқлар мавжудми?

Жавоб йўллашнинг охириги муддати — 25 март. Конверт устига «Ёш — математикларнинг сиртки олимпиадаси — 5 тур» деб ёзиб қўйишни унутманг.

1	8	15	17	24
20	22	4	6	13
9	11	18	25	2
23	5	7	14	16
12	19	21	3	10

Панмагик квадратларга мисол келтираемиз.

Бунга тегишли йиғиндилар 20 та бўлиб, улардан 8 таси синиқ диагональлардан иборат. Бундай йиғиндилар қуйидагича:

$$\begin{aligned} 1+19+7+25+13=65; & \quad 24+20+11+7+3=65; \\ 20+8+21+14+2=65; & \quad 17+13+9+5+21=65; \\ 9+22+15+3+16=65; & \quad 15+6+2+23+19=65; \\ 23+11+4+17+10=65; & \quad 8+4+25+16+12=65; \end{aligned}$$

Устун ва йўл элементларининг йиғиндиси (бош диагональлардан ташқари) нолга тенг бўлган «сеҳрли» квадратлар учрайди. Улар нолинчи тўлиқ бўлмаган «сеҳрли» квадрат деб аталади.

Мисол дейсизми? Марҳамат!

6	-11	5
-16	12	4
10	-1	-9

$$\begin{aligned} 6+(-11)+5 &= -16+12+4=10+(-1)+(-9)=0 \\ 6+(-11)+5 &= -16+12+4=10+(-1)+(-9)=0 \end{aligned}$$

топқирвойга Ақром АКМАЛОВ ёрдамлашди.

Ҳар қандай натурал  $n \geq 3$  сон учун  $n^2$  та ҳар хил туб сонлардан тузилган «сеҳрли» квадратлар чексиз кўп, деган гипотеза мавжуддир.

Агар 1 ни ҳам туб сон деб ҳисобланса, биринчиси  $3^2$  та туб сонлардан тузилган (у шундай тартибли туб сонлардан иборат бўлган «сеҳрли» квадратларнинг энг кичик элементларидандир), иккинчиси  $12^2$  та кетма-кет туб сонлардан тузилган (2 туб сон ўрнига 1 қабул қилинган) иккита «сеҳрли» квадрат ҳосил бўлади. Бундай «сеҳрли» квадратни 1913 йили Манси тузган. Қуйида  $3^2$  та туб сонлардан иборат квадратни тавсия қиламиз.

Барча йиғиндилар 111 га тенг.


67	1	43
13	37	61
31	73	7


Биз тавсия қилган квадратлардан ташқари, ҳамма йўллар, устунлар ва асосий диагональларда жойлашган сонларнинг йиғиндиси нолга эмас, «синиқ» диагональлар деб аталган йўналишлардаги сонлар йиғиндилари ҳам бир-бирига тенг бўлади.

Синиқ диагональлар йиғиндиси:

$$\begin{aligned} Aa + a_1A_1 \\ Bb + b_1B_1 \\ Cc + c_1C_1 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} A_1C + Ac_1 \\ B_1b + Bb_1 \\ aC_1 + Ca_1 \end{aligned}$$





ҚИШ ТОНҒИ

Р. ЯРУЛЛИН фототюди.



Ўзбекистон Ленин қоманмоли мукофоти лауреа-  
ти Шухрат Нуриддинов

В. ДУБРОВСКИЙ фотоси